35. Ўзбекистонда ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади (ЕК, 37-модда, 1-банд). Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман (шаҳар, вилоят) ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин (ЕК, 37-модда, 2-банд).
36. Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак (41-моддат, 3-банд). Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ерни олиб қўйиш ер эгалари ёки ижарачиларга айнан бир хил ер участкаси ажратилиб, барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин амалга оширилиши мумкин (41-модда, 4-банд). ЕКда (36-модда, 1-банд) ерга эгалик ҳуқуқи бекор қилинадиган ҳолатлар келтирилган. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига кўра, ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган тақдирда, ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин (36-модда, 4-банд). 39-модда, 1-бандига кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори, бошқа ҳуқуқлар билан бир қаторда, ер олиб қўйилганида зарарни (шу жумладан бой берилган фойда) қопланишини ёки ердан ихтиёрий равишда воз кечиш учун компенсация (39-модда, 1-банд, 7-банд), талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

37. ЕК (86-модда, 1-банд) ердан фойдаланувчилар уларга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қай ҳолларда тўла ҳажмда қопланишини белгилайди:
- ерлар олиб қўйилган, қайта сотиб олинган ёки вақтинча эгаллаб турилганда;
 - сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқбўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари, курорт зоналари, давлат биосфера резерватлари зоналари, миллий парклар атррфидаги зоналар, давлат кўриқхоналари, давлат табиат ёдгорликлари, моддий маданий мерос объектлари, сув ташламалари, йўллар, кувурли ўтказгичлар, алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида муҳофаза зоналари белгиланиши муносабати билан уларнинг ҳуқуқлари чекланганда;
38. 87-модда, 1-бандига кўра, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, шу жумладан жисмоний шахслар эгалигидаги ва фойдаланишидаги қишлоқ хўжалиги ерларини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари чекланиши ёки қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятининг таъсири оқибатида ерларнинг сифати ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни ушбу Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган товон пулига кўшимча равишда қопланади.
39. Компенсацияни тўлаб бериш механизми бошқа қонуний ҳужжатларда, масалан, асосан шаҳар (турар жой) ер участкалари ва иморатларига тегишли Президент № **911-сон** фармонида батафсил келтирилган. Вазирлар Маҳкамасининг № **146-сон** қарори асосан қишлоқ хўжалик ерлари, ўсимликлар ва дарахатлар тўғрисидадир. Президентнинг 2018 йилда қабул қилган фармон ва қарорлари ерни олиш ва кўчириш билан боғлиқ ҳар қандай тадбирлардан олдин кенг жамоатчилик муҳокамасига ўтказиш ва Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларида халқаро донор институтларнинг ерни олиш ва кўчириш сиёсатига амал қилиш имкониятини яратади .
40. Вазирлар Маҳкамасининг 911-сон қарори (2019 йил 16 ноябр):
- а) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳалари деб аталади) амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилади;
 - б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарори адлия органларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлгандагина қабул қилинади;
 - в) ер участкасини олиб қўйиш ташаббускори ҳамда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектнинг мулкдори ўртасида тузиладиган ерни олиб қўйиш муносабати билан компенсация бериш тўғрисидаги келишув мажбурий тарзда нотариал тасдиқланади;
 - д) кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти мулкдорига келишувда, низо мавжуд бўлган ҳолларда эса суд қарорида, белгиланган компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг йўл қўйилади;
 - е) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликларнинг ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида аввал қабул қилинган қарорини бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ёки бошқа давлат органи томонидан маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмаганлиги сабабли бекор қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш йўли билан ер участкаларини олиб қўйиш тақиқланади.
41. **Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори (2011 йил 25 май)** Ушбу Қарор ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштиришга, юридик ва жисмоний шахсларнинг

ерга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, аҳоли яшаш пунктлари архитектурасини яхшилашга ва Ер кодексига ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ қурилиш учун ўз ерларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

42. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг кўчириш режасининг асосий модели тўғрисидаги миллий қонун-қоидалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2-ЖАДВАЛ: Кўчириш учун қўлланиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар

Ҳуқуқий асослар	Кўчиришга функционал дахлдорлиги
1998 йил 30 апрелдаги Ер Кодекси (ЕК)	Ерни доимий ва вақтинчага олиб қўйиш шартларини тавсифлайди.
2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ВМ қарори	Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер ёки унинг қисмини олиб қўйиш тартибини, шунингдек, ушбу ерда жойлашган кўчмас мулк егаларига компенсация тўлаш тартибини белгилайди. Таъсирланган одамлар билан маслаҳатлашувлар тартибини белгилайди
"Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарор	Талофот кўрган қишлоқ хўжалик ерлари ва дарахатлар учун кўчириш компенсация тўловларини тартибга солади. Шунингдек, ерни компенсация қилиш тамойилларига биноан берилишни тартибга солади.
"Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий (молиявий) ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарор.	Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ва уларнинг ҳуқуқларини аниқлаш механизмини тартибга солади.
Президентнинг "Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 16 июлдаги 3857-сон қарори	Кўчириш харажатлари ХМИ томонидан ўз методологиясига мувофиқ тайёрланган баҳолаш ҳужжатлари асосида тўланишини тасдиқлайди.
Президентнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 1 августдаги 5495-сонли қарори	Ерни олиб қўйиш (экспроприация) ЛЖШлар билан унинг мазмун-моҳияти чуқур муҳокама қилингандан кейингина амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди.
Президентнинг 2018 йил 27 июлдаги 5490-сонли "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори	Инвестиция лойиҳаларида кўчириш учун бюджет манбасини белгилайди.
2019 йил 3 августдаги Президент қарори	Кўчириш тартиб-қоидалари аниқ белгилаб берилган.

43. Шунинг учун, Ўзбекистон аҳолини мажбурий равишда бошқа жойга кўчирилиши натижасида салбий таъсирга учрашдан ҳимоя қилиш учун етарли ижтимоий ҳимоя воситаларига эга бўлган/эга ва улар қуйидагича:

- а) Ер участкасини давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш (эгаллик қилиш) ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи/ижарачининг розилиги билан муайян юрисдикция (туман,

- вилоят) ҳокимининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига билан амалга оширилади.
- b) Агар ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ерга эгалик қилувчи тегишли ҳокимият ҳокимининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорига рози бўлмаса, ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.
 - c) Ер участкасини олиб қўйиш ва турар-жой, ишлаб чиқариш ёки бошқа мулкларни (яъни бинолар, иморатлар ва дов-дарахтлар) бузиб ташлаш тўғрисида қарор умумий режаларга, шунингдек аҳоли пунктларидаги турар жойлар ва маҳаллаларни ободонлаштириш ишларининг батафсил режаларига мувофиқ амалга оширилади;
 - d) Уй-жой, ишлаб чиқариш ёки бошқа бинолар, иморатлар ёки дов-дарахтларнинг асоссиз бузилишига йўл қўйилмайди.
 - e) Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тегишли туманларнинг ҳокимлари ер участкасини олиб қўйиш ва турар жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар, иморатлар ва экинзорларни бузиш тўғрисида ўз қарорларини қабул қиладилар.
 - f) Тегишли туманлар ҳокимликлари тегишли турар-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар, иморатлар ва экинзор эгаларини қарор тўғрисида бузилиш белгиланган кундан камида олти ой олдин ёзма равишда в тилхат асосида хабардор қиладилар. Билдирги ер участкасини олиб қўйиш ва ер участкасида жойлашган турар жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар, иморатлар ва экинзорларни бузиш тўғрисидаги қарорларнинг нусхалари билан тасдиқланади;
 - g) Ер эгалари тегишли туман ҳокимининг бузилиши керак бўлган турар жой, ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган бинолар, иморатлар ва экинзорларни бузиш ва уларнинг қийматини тасдиқлаш тўғрисида қарори устидан вилоят ҳокимиятига, шунингдек судга шикоят киритишлари мумкин;
 - h) Тегишли рухсатсиз қурилган турар-жой, ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадларга мўлжалланган бино ва иморатларнинг қиймати қопланмайди;
 - i) Агар олиб қўйилган ерлар корхоналар, муассасалар ёки идораларга берилган бўлса, ушбу ташкилотлар компенсация тўлаш, уй-жой ва вақтинча турар жой билан таъминлаш, шунингдек тегишли туман ҳокимининг қарорига биноан барча кўчириш харажатларини қоплаш учун масъулдирлар.
44. 2019 йил 3 августдаги **5491-сонли Қарор**. Бу жамиятнинг турли қатламлари, шу қаторда миллий ва халқаро ижтимоий оммавий ахборот воситаларининг катта тўполон ва норозиликларини келтириб чиқарди. Бу **фуқаролар ва тадбиркорлар мулкий ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашнинг жуда катъий (қўшимча) чораларни белгилайди:**
- Давлат ва жамоат мақсадлари учун ерни олиш **ФАҚАТГИНА** жабрланган фуқаро/тадбиркор билан муҳокама қилингандан кейин ва харажатлар (даромад/харажатлар) баҳолаганидан кейин амалга оширилиши мумкин.
 - Ерни олишга рухсат **ФАҚАТГИНА** фуқарога/тадбиркорга мулк нархини бозор қийматида ва ерни олиш билан алоқадор зиён/зарар тўлангандан кейин берилади.
 - Хужжатлар давлат идораси (ходими) томонидан ноқонуний расмийлаштирилиши натижасида етказилган зиён/зарар ушбу идора ҳисобидан бюджетдан ташқари маблағлар ва/ёки ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширган ходимлар томонидан қопланади.
45. 2019 йил 3-августдан бошлаб фуқаролар ва тадбиркорларнинг мулкни давлат ва жамоат мақсадларида, шунингдек бошқа мақсадларда олиб қўйиш ва бузиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:
- 1^{чи} босқич: бузиш режалари тўғрисидаги маълумотлар вилоят ҳокимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади
 - 2^{чи} босқич: Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Раматов (шаҳарни режалаштириш талаблари) ва Бош вазир ўринбосари Қучқоров (молиявий ҳисоб-китоблар) ўз хулосаларини тақдим этадилар
 - 3^{чи} босқич: хулоса Бош вазир томонидан кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади
46. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари Ерларга (мажбурий) эгалик қилиш жараёнида қонунга катъий риоя этишлар лозим, айниқса:

- Ушбу ердаги биноларни бузиш ва дарахтларни кўчириш бўйича қабул қилинган Қарор тўғрисида **жабрланган фуқаролар ва тадбиркорларни ўз вақтида хабардор қилиш.**
- Фуқароларга/тадбиркорларга бозор нархлари бўйича **олдиндан ва тўлиқ ҳажмда тўлиқ қопланмагунга қадар бинони бузиб ташлаш ва ерни олишга йўл қўймаслик.**
- Уй-жой билан таъминлаш ва жабрланувчига компенсация сифатида берилган ерни ўзлаштириш жараёнида бошқа талабларни бажариш бўйича **икки йилгача бўлган шахсий жавобгарлик.**
- **Келгусида вилоят ва шаҳар қурилишини комплекс режалаштириш жараёнида ерларни олиш ва мулк бузилишини минималлаштиришни (мукин бўлган энг паст даражада) Қурилиш вазирлиги вилоят ҳокимиятлари билан биргаликда ҳисобга олишлари керак.**
- Олинган ерларни ва бу билан боғлиқ йўқотишларни **инвентаризация қилиш** учун минтақавий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар тузилади
- Ерни олиш билан боғлиқ йўқотишларни инвентаризация қилиш ва ушбу йўқотишларни қоплаш мақсадида Йўл харитаси тасдиқланади
- Ерни танлаш қуйидаги тартибда бўлиши керак: **биринчидан, эски ва тезкор техник хизмат талаб этадиган турар жой жойлашган ер, ФАҚАТ мулк эгаси билан очиқ муҳокамадан сўнг, ва иккинчидан, фойдаланилмаётган бинолар жойлашган ерлар** (маданий мерос биноларидан ташқари);
- **Йирик инвестиция лойиҳалари, давлат дастурлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг комплекс режалари учун ер участкаларини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун мулк эгаси, алоқадор идора ва маҳаллий ҳокимият ўртасида мулк эгасининг розилиги, зарарни қоплаш тартиби, турлари, миқдори ва компенсацияларни тўлаш муддати, барча томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган ёзма келишув тузилиши керак.**

а) Кўчириш режасининг асосий модели тамойиллари ҳукумат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Жаҳон банки сиёсатини таққослаш

47. Жаҳон банки, агар тегишли чоралар пухта режалаштирилмаса ва амалга оширилмаса, мажбуран кўчириш узоқ муддатли қийинчилик, қашшоқлашиш ва атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлишини тан олади. Банкнинг 4.12 амалий сиёсати мажбурий кўчириш натижасида келиб чиқадиган иқтисодий, ижтимоий ва экологик хавфларни бартараф этиш ва камайтириш чораларини ўз ичига олади. ЖБ Мажбурий кўчириш сиёсатининг мақсадлари қуйидагича:
- i. Лойиҳани ишлаб чиқишда мумкин бўлган барча алтернативалар ўрганиб чиқилгач, мажбурий кўчиришни минималлаштириш керак;
 - ii. Кўчириш ишлари ЛЖШларга имтиёзлар бериш учун етарли инвестиция манбаларини таъминлайдиган барқарор ривожланиш дастурлари сифатида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак. ЛЖШлар билан батафсил равишда муҳокама қилиш керак ва уларнинг кўчириш дастурларини режалаштириш ва амалга оширишда қатнашиш имкониятлари бўлиши керак; ва
 - iii. ЛЖШларга уларнинг тирикчилик ва турмуш даражасини яхшилаш ёки ҳеч бўлмаганда қай бири юқори эканига қараб, лойиҳадан олдинги даражасини ёки лойиҳа бошланишидан олдин устун бўлган даражаларни ҳақиқий маънода тиклаш учун ёрдам бериш керак.

б) Кўчириш режасининг асосий моделининг тамойиллари

48. Мазкур лойиҳа учун кўчиришнинг қуйидаги тамойиллари қабул қилинади:
- i. Мажбурий кўчиришнинг ўтмишда, ҳозир ва келажакдаги оқибатлари ва рискларини аниқлаш учун лойиҳани эрта босқичда кўриб чиқиш. Хатлов ва ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар орқали кўчиришни режалаштириш қўламини аниқлаб олиш, шу жумладан кўчириш оқибатлар ва рисклари билан боғлиқ гендер таҳлилини бажариш. Мажбурий кўчириш оқибатларини олдини олиш ва уларни минималлаштириш чоралари қуйидагилардан иборат: (i) камроқ таъсир кўрсатадиган муқобил вариантларни ўрганиб чиқиш; (ii) ерга бўлган талабни камайтириш учун тегишли технологиядан фойдаланиш; (iii) мажбурий кўчиришни енгиллаштириш ва уни олдини олиш ёки минималлаштиришга эришиш мақсадида унинг таркибий қисмлари лойиҳалаштирилишини, профиль кесими ва геометриясини ўзгартириш.

- ii. Кўчирилган шахсларнинг ҳуқуқлари, даромад ва яшаш тарзини тиклаш стратегияси, институционал тузилмалар, мониторинг ва ҳисобот асослари, бюджет ва амалга оширишнинг вақтбай жадвалини ўзида жамлаган Ижтимоий таъсирни баҳолаш (ИТБ) ва Кўчириш режасини (КР) тайёрлаш.
- iii. Кўчирилган шахслар ва тегишли давлат ташкилотлари билан мазмунли маслаҳатлашувлар ўтказиш. Барча кўчирилган шахсларни уларнинг ҳуқуқлари ва кўчириш вариантлари тўғрисида хабардор қилиш. Кўчириш дастурларини режалаштириш, амалга ошириш ва мониторинг ва баҳолашда уларнинг иштирокини таъминлаш. Аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг, айниқса камбағаллик чегарасидан паст бўлганларнинг, ерсизлар, кексалар, аёллар ва болаларнинг, ҳамда туб аҳоли эҳтиёжларига, шунингдек ерга ҳақли бўлмаганларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор беринг ва уларни муҳокамаларда иштирокини таъминланг.
- iv. Кўчириш режаси лойиҳасини, шу жумладан маслаҳатлашув жараёнининг ҳужжатларини кўчирилаётган шахслар ва бошқа манфаатдор томонларга ўз вақтида, имкон бўлган жойда ва тушунарли бўлган шакл ва тил(лар)да етказиш. Кўчиришнинг якуний режаси ва унинг янгиланиб бориши ҳақидаги маълумотни кўчирилгаётган шахслар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш.
- v. Компенсация ҳақини тўлаш ва жисмоний ёки иқтисодий кўчиш олдидан ва йўл лойиҳасининг ушбу қисмида қурилиш ишлари бошланишидан олдин кўчириш билан боғлиқ барча имтиёзларини бериш. Лойиҳани амалга ошириш давомида қатъий назорат остида кўчириш режасини амалда тадбиқ этиш.
- vi. Кўчирилган шахслар шикоятларини қабул қилиш ва уларни ҳал этишга кўмак бериш мақсадида шикоятларни кўриб чиқиш механизмининг жорий этиш.
- vii. Кўчириш натижалари, уларнинг кўчирилган одамларнинг турмуш даражасига таъсири ва кўчириш режасининг мақсадларига эришилганлигини кўчириш мониторинги асосий шартлари ва натижаларини ҳисобга олган ҳолда мониторинг қилиш ва баҳолаш Мониторинг бўйича ҳисоботни ошкор қилиш.

49. Ер участкасини мажбурий олиш қўйилиши кўчишга ёки бошпана йўқотилишига; ва ЛЖШларни бошқа жойга кўчишга мажбур бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар мол-мулк йўқотилишига, мол-мулкдан айрилишга, даромад манбалари ёки яшаш имкониятлари йўқолишига олиб келади. Шунинг учун ЛЖШлар билан (тўғридан-тўғри ва вакиллар орқали), маҳаллий ҳокимият ва жамоат раҳбарияти билан олиб борилган маслаҳатлашувлар кўчирилган шахсларга компенсация ва бошқа турдаги кўчириш ёрдамига ҳақли бўлиш мезонларини белгилашга имкон беради. Жаҳон банкининг 4.12 –сонли амалий сиёсатида ҳақли бўлишнинг қуйидаги уч мезони назарда тутилган:

- (a) ерга расмий ҳуқуқларга эга бўлганлар;
- (b) хатлов бошланиш пайтида расмий қонуний ҳуқуқларга эга бўлмаганлар, аммо бундай талаблар Ўзбекистоннинг миллий ва маҳаллий қонунларига биноан эътироф этилган ёки кўчириш режасида белгиланган жараён орқали тан олинган тақдирда бундай ер ёки мулкка нисбатан даъвогарлар;
- (c) тан олинган қонуний ҳаққи йўқ ёки эгаллаб турган ердан фойдаланадиш ёки тирикчилик ўтказиш ҳақида даъво қила олмайдиган, аммо Жаҳон банкининг 4.12АСга биноан тан олинадиганлар.

50. Юқоридаги (a) ва (b) бандларда кўрсатилган шахсларга улар айрилган ерлари учун компенсация ва ушбу КРАМга мувофиқ бошқа турдаги ёрдам кўрсатилиши керак. Юқоридаги c) бандда кўрсатилган шахсларга улар эгаллаб олган ерлари учун компенсация ўрнига, заруриятга қараб, ва ушбу КРАМда белгиланган мақсадларга эришиш учун бошқа ёрдам кўрсатилиши лозим, агар улар лойиҳа ҳудудини ҳокимият томонидан потенциал ЛЖШлар, маҳаллий аҳоли етакчилари ва тегишли маҳаллий ЕРДҚБ, ЕХҚК билан батафсил муҳокамалардан сўнг белгиланган ва Жаҳон банки учун мақбул бўлган якуний санадан аввал эгаллаб олган бўлсалар. Якуний санадан кейин ҳудудга кириб олган шахслар компенсация ёки бошқа бирон-бир ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

51. Юқоридаги (а), (б) ёки (с) бандларига кирган шахсларга ердан ташқари мол-мулк (активлар) йўқолганлиги эвазига компенсация тўланиши керак. Шу боис, шу аниқки, барча ЛЖШлар уларнинг мақоми, ёки улар расмий ҳақлар, қонуний ҳуқуқларга эга экани ёки эмаслигидан қатъий назар, скваттерлар ёки бошқа тарзда ноқонуний равишда ҳудудга кириб олганлар, агар улар ерни якуний санадан аввал эгаллаб олган бўлсалар, бирон-бир ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий-иқтисодий сўров ўтказилгандан сўнг (хатлов ва баҳолаш) ушбу ҳудудга кириб олган шахслар компенсация олиш ёки бошқа ҳар қандай ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

в) Миллий қонунчилик ва Жаҳон банкининг мажбурий кўчиришдаги амалий сиёсатини таққослаш

52. Аввалги кўчиришга алоқадор ҳужжатлар, шу жумладан кўчириш режалари, асосларининг таҳлили Жаҳон банкининг сиёсати ва Ўзбекистоннинг қонунчилик ҳужжатлари ўртасида инвестиция лойиҳаларида мажбурий кўчириш учун компенсация тўлаш борасида бир қатор тафовутлар мавжудлигини кўрсатди. Асосий номувофиқликлар қуйидагилардир: кўчириш тадбирлари олдидан жамоатчилик билан муҳокама қилиш, лойиҳа таъсирига тушган УХга ҳақ-ҳуқуқларини батафсил тушунтириш ва тўлиқ алмаштириш бериш харажати ўрнига адолатли компенсация бериш, ЛЖШлар орасида ижтимоий-иқтисодий сўровлар ўтказиш. Ўзбекистон қонунлари ЛЖШларни фақатгина қонунан тегишли бўлган ерлар учун компенсация билан таъминлайди ва ноқонуний эгаллаб олганларга компенсация беришни назарда тутмайди. Жаҳон банкининг 4.12 АС, ернинг қонуний эгаларини ҳам, ноқонуний эгаллаб олганларни ҳам компенсация билан таъминлайди. 4.12 Асда Банк ва ҳуқуматнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари (ҳужжатлари) ўртасида зиддият мавжуд бўлса, Банкнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари устунликка эга экани таъкидланади. Президентнинг (16. 11. 2019 йилдаги) 911-сонли Қарорига биноан “ жисмоний ва юридик шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини таъминлаш ва ер сотиб олиш ва қоплаш тартибини такомиллаштириш учун қўшимча чора-тадбирлар ҳақида “ қуйидагилар қопланади: а) ер устида жойлашган кўчмас мулкни бозор қийматида сотиш; б) сотиб ер ҳуқуқи бозор қиймати; с) бошқа кўчмас мулк вақтинчалик сотиб олиш, шу жумладан, қайта турар-жой билан боғлиқ харажатлар; д) жисмоний ва юридик шахсларнинг; е) қонун ҳужжатларида ёки шартномада кўрсатилган бошқа харажатлар ва зарарлар. Уй-жойлар, ишлаб чиқариш иншоотлари ва бошқа бино ва иншоотларнинг тегишли ҳуқуқий рухсатномасиз қурилган қиймати ҳам қопланиши керак. Бериладиган компенсация турлари: а) пул маблағлари; б) бошқа кўчмас мулкка егалик ҳуқуқини ўтказиш; в) ер участкаси; г) шартномада кўрсатилган бошқа компенсация турлари . Тарафларнинг келишувига асосан мулк егасига кўчмас мулкнинг баҳоланган қийматини ҳисобга олган ҳолда бир неча турдаги компенсация тўланиши мумкин..
53. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ерлар давлат мулки бўлганлиги сабабли, ердан фойдаланиш фақат маҳаллий ҳокимият органларининг рухсати билан ижара асосида ёки бошқа шартлар асосида амалга оширилади. Шу муносабат билан, ердан фойдаланиш масалалари ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тўлиқ қамраб олинган ва одатий қонунлар, анъанавий урф-одатлар ёки кўшничилик муносабатлари ва ҳоказолар билан тартибга солинмайди. Ўзбекистон қонунларига кўра, ердан ижарасиз ёки бошқа расмий рухсатсиз фойдаланадиган ёки уни эгаллаб олганлар қонунан компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Давлат ерни "н" қонуний ердан фойдаланувчилар"д"н тартиб олиш ҳуқуқига эга. Белгиланган якуний санадан кейин шу ҳудудда истиқомат учун жойлашиб олган шахсларга компенсация ёки бошқа турдаги ёрдам олиш ҳуқуқи берилмайди.
54. Жаҳон банки 4.12 АС ҳужжатида таъкидланганидек, кўчирилганлар, айниқса турмуш даражаси қашшоқлик чегарасидан паст бўлганлар, қариялар, аёллар ва болалар, туб аҳоли, этник озчиликлар, шунингдек аҳолининг бошқа энг заиф қатламлари ҳамда олиб қўйиладиган ер участкалари учун компенсация тўловларига алоқадор миллий қонунчилик томонидан манфаатлари ҳимоя қилинмайдиган кўчирилган шахсларнинг бошқа тоифалари эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

55. Банк 4.12 амалий сиёсати биргина компенсация тўлаш масалаларида эмас, балки барча масалалар бўйича Жаҳон банки ва Ўзбекистон қонунчилиги ўртасида тафовут юзага келган ҳолларда устуворликка эга бўлади.
56. Ўзбекистон қонунчилигини Жаҳон банки 4.12 АСнинг уйғунлаштириш чоралари билан таққослаш қуйидаги жадвалда келтирилган.⁵

⁵ Таъкидлаш мумкинки: Ўзбекистонни кўчириш тўғрисидаги сўнгги қарори 2019 йил август ойининг бошида қабул қилинган; Лойиҳаларни тоифалаштириш (ФП 4.12) таъсирларнинг характери ва қўламига асосланган ва у қайси восита турларини қўллаш кераклигини белгилаб бериши боис кўпроқ операционал мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган.

3-ЖАДВАЛ : Ўзбекистон қонунчилиги ва ЖБнинг 4.12 амалий сиёсатини таққослаш

ЖИҲАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАЛАБЛАРИ			
Мажбурий кўчириш	Жаҳон банки гуруҳи мажбурий кўчириш бўйича 4.12 амалий сиёсати	<p>Лойиҳанинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари миллий қонунлар ва Ўзбекистонда ерни олиш ва компенсация қилиш сиёсати билан боғлиқ қонунларга таянади, улар қуйидагилар:</p> <p>(i) Ер Кодекси (30.04.1998);</p> <p>(ii) Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 25 майдаги 146-сонли "Шаҳарсозлик ва бошқа қишлоқ хўжалигига тегишли бўлмаган мақсадлар учун ер участкаларини б"риш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори;</p> <p>(iii) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги 16 июлдаги 3857-сонли "Х"лқаро молия институтлари ва хорижий давлат молиявий ташкилотлари иштирокида лойиҳаларни ўқитиш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори;</p> <p>(iv) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги 5495-сонли "Ўзбе"истон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ф"рмони</p>	Энг сўнгги фармоннинг ва Жаҳон банки сиёсатининг ҚИРЛга тегишли сўнгги қоидалари"а асосланиш керак.
		<p>(v) 2019 йил 3 августдаги 5491 қарор</p> <p>(vi) 2019 йил 16</p>	

ЖИҲАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
		ноябрдаги 911-сонли "жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкый ҳуқуқларини таъминлаш ва ерларни ўзлаштириш тартиби"и такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори	
Скрининг ва Тоифалаш	ЖБ Жаҳон банки лойиҳани тайёрлашнинг дастлабки босқичид", бунинг учун етарли маълумот тўпланганда, скрининг ва тоифалаш ишини амалга оширади.	Қонун ҳужжатларига кўра, Кўчириш ҳужжатларида тоифалар мавжуд эмас.	Тоифалаш воситаларни танлаб олиш мақсадида таъсирларнинг табиати/даражасига қараб амалга оширилади.
Компенсация ҳақ-ҳуқуқлар (имтиёзлар)	А. Расман эгалик ҳуқуққа эга ЛЖШларга йўқотилган ер/мол-мулклар эвазига компенсация тўланиши керак. Б. Қонунийлаштириш мумкин бўлган ҳуқуққа эга бўлган ЛЖШлар йўқотилган ерлар ва мол-мулклар эвазига ИОлар уларга мол-мулкни қонунийлаштиришда ёрдам бергандан сўнг компенсация олиш ҳуқуқига эга. С. Ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган ЛЖШлар ер кўринишида бўлмаган мол-мулкларига компенсация оладилар.	А. Расман ҳуқуққа эга ЛЖШларга йўқотилган ер/мол-мулклар эвазига компенсация тўланади. Ҳуқуқини қонунийлаштириш мумкин бўлган ва ҳуқуқи бўлмаган ЛЖШлар. Қонунийлаштирилиши мумкин бўлганлар ажратилмайди ва ноқонуний деб ҳисобланади, чунки қонунийлаштириш ЛЖШлар зиммасидаги юқдир. Легал бўлмаган ЛЖШлар ер ва ерга боғлиқ бўлмаган мол-мулклар учун компенсация олишга ҳақли эмас.	А. Принципиал жиҳатдан/қўлланилишда бир хил. Мувофиқлаштиришга ҳожат йўқ. Принципиал жиҳатдан ва қўлланилишда кескин фарқ қилади. Амалда қўлланилиши ЖБнинг олдинги лойиҳаларида аллақачон мувофиқлаштрилган, бироқ ЖБ лойиҳалари учун қарор қабул қилиш орқали, шунингдек халқаро шартномага ёки келишувларга тенг бўлган кредит шартномаларига қўшимча ҳимоя қоидалар киритиш орқали иккала масалада ҳам расман мувофиқлаштириш зарур.
Компенсация	А. Ерни буткул йўқотиш. Ўринга ўрин ер бериш - афзалроқ бўлган вариант ёки тўлиқ бозор қийматида нақд пул компенсацияси бериш. Ҳеч бўлмаса қонуний/қонунийлаш-ириш мумкин бўлган	А. Ерни буткул йўқотиш. Қонуний мақомдаги ЛЖШларга ерни алмаштириш. Б. Ижарага олинган ерни алмаштириш. Ижарани алмаштириш ва барча кўрилган зиён, шу	А. ЛЖШлар учун принципиал жиҳатдан/амалий қўллаш бир хил. Қонунийлаштири мумкин бўлган ва қонуний бўлмаган ЛЖШларнинг ерга тегишли бўлмаган барча йўқотишларини компенсациялаш учун ҳам

ЖИХАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
	<p>ЛЖШларга. Б. Ижарага олинган ерни алмаштириш. Йўқотилган даромадни ялпи даромаднинг қолган ижара йилларга кўпайтириш орқали ҳисоблаб, нақд пул компенсацияси билан ёки алмаштирилган ерни ижарага бериш орқали.</p> <p>В. Иморат/биноларни йўқотилиши. Йўқотилган буюм учун амортизация, транзакция харажатлари ва бошқа чегирмалардан ҳоли бўлган алмаштириш қийматида нақд пул компенсацияси.</p> <p>Г. Билвосита таъсирга учраган буюмлар. Таъсирга учраш оқибатида яроқсиз бўлиб қолган мол-мулкнинг зарар кўрмаган қисмлари ҳам компенсация қилиниши керак.</p> <p>Д. Бизнес фаолиятидаги йўқотишлар. Кўрилган зиён ва бизнесни қайта тиклаш харажатларини қоплаб бериш. Амалда қўллаш бизнес фаолияти тўхтаган давр учун декларацияланган даромад солиғи асосланади. Солиқ декларацияси мавжуд бўлмаганда, солиққа солинмайдиган максимум иш ҳақи асосида.</p> <p>Е. Дарахтлар йўқотилиши: 1) Мевасиз. Ерни эгаллаб олганлик қандай қонуний мақомда эканидан қатъий назар, компенсация</p>	<p>жумладан йўқотилган даромадни нақд пул кўринишидаги компенсация асосида.</p> <p>В. Иморатлар/бинолар йўқотилиши. Йўқотилган объект учун амортизация, транзакция харажатлари ва бошқа чегирмалардан ҳоли бўлган бозор қийматидаги нақд пул компенсацияси.</p> <p>Г. Билвосита таъсирга учраган мол-мулкни йўқотилиши. Қонун қонуний мақомдаги барча ЛЖШларга барча зиёнларни, шу жумладан, йўқотилган даромадни қоплаб берилишини талаб этади.</p> <p>Д. Бизнесни йўқотиш. Барча етказилган зарар/бой берилган имкониятлар учун бозор нархида нақд пул компенсацияси. Бой берилган имкониятлар қийматини исботлаш ЛЖШ зиммасида бўлади ва расман тан олинган, ҳужжатлаштирилган далилларга асосланади, аммо бунинг аниқ методологияси мавжуд эмас.</p> <p>Е. Мевали ва мевасиз дарахтларни йўқотиш. Давлат лойиҳаси таъсирга учраган мевасиз ҳамда мевали дарахтлар учун компенсация тўланади.</p> <p>Ё. Ҳосилни йўқотиш. Йўқотилган ҳосилга компенсация тўланади. Йўқотилган ҳосил учун</p>	<p>принципиал жиҳатдан, ҳам амалий қўлланини жиҳатидан ҳам муросага келиш талаб этилади. Бунга ЖБнинг лойиҳалари учун махсус Қарор ёки халқаро шартнома ёки битимга тенг бўлган кредит шартномаларига қўшимча ижтимоий ҳимоя қоидалари киритиш орқали эришиш мумкин, деб умид қилинади.</p> <p>Б. Принципиал жиҳатдан бир хил. Амалий қўллашни янада мукамаллаштириш керак. Мувофқилаштиришга ҳожат йўқ. ЖБ лойиҳалари учун қўлланмалар орқали аск эттириш.</p> <p>В. Тамойиллар ва амалий қўллашни мослаштиришга эҳтиёж йўқ. Бироқ, сақлаб қолинган материаллари иморат солувчида қолиши ёки ер эгаси томонидан унинг эгасига харажатларни тўлиқ қоплаб берилиши ҳолатида иморат/бинони алмаштириш қийматида компенсациялашга имконини берувчи протокол тузилиши талаб этилади. Бу ҳуқуқий ислохатларсиз, фақатгина ЖБ лойиҳалари бўйича қарор ёки халқаро шартнома ёки битимга тенг бўлган кредит шартномаларига қўшимча ҳимоя қоидаси киритиш орқали расмийлаштирилиши мумкин деб умид қиламиз.</p> <p>Г. Тамойиллар ва амалий қўллашни мослаштиришга эҳтиёж йўқ.</p> <p>Д. Принципиал жиҳатдан</p>

ЖИХАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
	<p>бозор нархида. Амалда қўллаш дарахт тури/ёғоч тана ҳажми ёки ЛЖШ реабилитациясини таъминлайдиган бошқа усулларга асосланади.</p> <p>ii) Мевали. Алмаштириш қийматда компенсация турли усулларга асосланган қўллаш асосида тўланади: дарахтларни қўпайтириш харажати, йўқотилган даромад (х дарахт тури х 1 йиллик даромаднинг бозор қиймати х тўлик йўқотилган ишлаб чиқариш йиллари).</p> <p>Ё. Ҳосилни йўқотиш. Ҳосилни бозор нархида нақд пул билан қоплаш.</p>	<p>компенсациянинг икки шакли мавжуд: i) тугалланмаган қишлоқ хўжалиги махсулотини компенсациялаш ва ii) сўнгги уч йилдаги ўртача даромадни тўртга (йиллар) қўпайтириш орқали йўқотилган фойдани компенсациялаш.</p>	<p>бир хил, бироқ ЖБ имкониятлар қийматини ҳисобга олмайди. Аниқ методологияни аниқлаб олиш ва қисқа ва узок муддатли йўқотишларни фарқлаб олиш учун амалиётни ўзаро мослаштириш лозим.</p> <p>Е. Принципиал жиҳатдан бир хил, амалий қўллашда фарқ қилади. Аввалги ЖБ лойиҳалари учун аллақачон мослаштирилган, аммо ЖБ лойиҳалари учун қонунни мунтазам равишда қўлланиши ва, шунингдек, компенсацияни нақд пулда ўз-ўзидан берилишини, 4.12 АС стандартига мос келадиган баҳолаш стандартларини қўллаш ва улардан фойдаланишни таъминловчи қарор қабул қилиш орқали амалий қўллаш мувофиқлаштирилиши лозим.</p> <p>Сиёсатни мувофиқлаштириш лозим эмас, лекин йўқотилган фойда ҳисобланган санага имкон қадар яқин бўлган муддатда ҳосилни копенсациялашга эришиш учун сиёсатни амалий қўллашни ўзаро мувофиқлаштириш керак.</p>
<p>Мажбурий Кўчиришни Режалаш, баҳолаш, таъсирни қийматини аниқлаш</p>	<p>Кўчириш Ҳаракат Режаси (КХР). КХР тайёрлаш қуйидагилардан иборат:</p> <p>а) оқибатларни баҳолаш/ЛЖШ хатлови;</p> <p>б) ҳақ-хуқуқларни таърифлаш, даромад/тирикчиликни тиклаш стратегияси, арз ва шикоятларни кўриб чиқиш механизми,</p>	<p>Кўчириш Режаси. Интеграллашган ва мустақил КХРларни тайёрлашга эҳтиёж мавжуд эмас. ЕХҚКни режалаштириш ЖБ сиёсатига қараганда ўхшаш, аммо камроқ қамровли/соддароқ баҳолаш/сўров ўтказилишини талаб қилади, яъни қуйидагича:</p>	<p>Принципиал жиҳатдан ва амалий қўллашда қисман фарқ қилади. Мувофиқлаштиришга ҳожат йўқ, чунки бу масала бўйича қонун/қоидаларда ҳеч нима айтилмаган ва 4.12 АС талаблари ЖБнинг олдинги лойиҳаларида аллақачон қўлланилган. Шунга қарамай, асосий таъсир</p>

ЖИХАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
	<p>муассасавий чоралар; в) маслаҳатлашув натижалари; г) бюджет ва ижро жадвали. КХР қуйидаги сўровларни ўтказишни тақозо этади:</p> <p>i. Ўлчовли сўров. Таъсирга учраган барча нарсалар ўлчанади.</p> <p>ii. ЛЖШ хатлови. Барча ЛЖШлар белгиланади ва ҳуқуқий мақомига кўра қонуний манфаатдорлар аниқланади.</p> <p>iii. Ижтимоий-иқтисодий сўров. ЛЖШларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти ҳақида асосий маълумот беради.</p> <p>iv. Қийматлаш сўрови</p> <p>а) Ер: агар ер бозори мавжуд бўлса, сўнгги ер олди-сотди шартномасларини ўрганиш асосида; агар ер бозори мавжуд бўлмаса, ер ҳосилдорлиги/тушум асосида;</p> <p>б) Бинолар ва иморатлар. Материаллар, ишчи кучи ва транспорт харажатлари ва бино/иморатнинг ўзига хос хусусиятларини амортизация, тежалган материаллар ва транзакция харажатларидан ҳоли алмаштириш қиймати;</p> <p>в) Дарахтлар/ҳосил. Компенсация бобида батафсил келтирилган методологияга асосланади.</p>	<p>i. Ўлчовли сўров. Ер ва биноларга таъсир ўлчанади. Аниқланган лекин ўлчанмаган бошқа таъсир;</p> <p>ii. ЛЖШларни аниқлаш. Фақат қонуний ЛЖШларни аниқлайди.</p> <p>iii. Ижтимоий-иқтисодий сўров. Солиштириш мумкин бўлган талаблар мавжуд эмас.</p> <p>iv. Қийматлаш сўрови;</p> <p>а) Ер: олди-сотди шартномаларини ўрганиш асосида бозор нархида қийматланади. Қийматлаш ўз ичига транзакция харажати/учинчи томон мажбуриятларини олади.</p> <p>б) Бинолар ва иморатлар. Алмаштириш қиймати, бироқ тежалган материаллар иморат солувчида қолади ёки ер эгаси унинг эгасига тўлиқ қоплаб беради;</p> <p>в) Дарахтлар/ҳосил. Компенсация "Компенсация" бўлимида Е. ва Ё. бандларида кўрсатилган методология бўйича ёки келишилган бир марталик сумма асосида тўланади.</p>	<p>ўтказиш учун ЖБ лойиҳаларининг жами таъсирларини ўлчаш ва барча ЛЖШни ҳисобга олишни таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар белгилаш талаб қилинади.</p> <p>i. Батафсил Ўлчов Сўровлари жами таъсирларни аниқлашда асосий ўналиш бўлиши лозим;</p> <p>ii. Алоқадор Шахсларни батафсил ҳисоб китоби;</p> <p>iii. Сўровни ўтказиш асосий йўналиш бўлиши лозим;</p> <p>iv. Қийматлаш сўрови;</p> <p>а) ер ўрнига ер компенсация қилинганлиги боис у баҳоланмайди; ерни тенг ер билан қоплаш учун фақатгина ер майдони ўлчанади ва ернинг сифати (ҳосилдорлик/тупроқ сифати) баҳоланади;</p> <p>б) ЖБ аввалги лойиҳалари учун аллақачон мувофиқлаштирилган, фақат расмий тарзда мувофиқлаштириб қўйиш лозим.</p>
<p>Процессуал механизмлар</p>	<p>А. Ахборотни ошкор қилиш. Кўчиришга алоқадор ҳужжатларни ўз вақтида ЛЖШлар тушунадиган тилда ошкор қилиниши керак.</p> <p>Б. Жамоатчилик муҳокамаси. ЛЖШлар билан биргаликда</p>	<p>А. Ахборотни ошкор қилиш. Ошкор қилиш талаблари мавжуд эмас.</p> <p>Б. Жамоатчилик муҳокамаси. Маҳаллий аҳамиятга эга масалалар маҳаллий ҳокимият органлари билан очиқ муҳокамага қўйилиши</p>	<p>А.Принципиал жиҳатдан ва амалий қўллашда фарқ қилади. ЖБ лойиҳалари учун мувофиқлаштириб бўлинган.</p> <p>Б.Принципиал жиҳатдан бир хил, бироқ амалий қўллашда фарқ қилади. ЖБ</p>

ЖИХАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
	<p>батафсил муҳокамалар ўтказилиши керак. ЛЖШларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва танлов имкониятлари, шунингдек бошқа жойга кўчиб ўтиш муқобил вариантлар тўғрисида маълумот берилиши керак.</p> <p>В. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби. Ҳар бир лойиҳа учун Шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ШКЧМ) яратилиши лозим. ШКЧМ ҳақида маълумот ЛЖШларга етказилиши керак.</p> <p>Г. Мол-мулкни олиш шартлари. Мулкни ЛЖШларга тўлиқ компенсация тўланганидан кейингина олиш мумкин.</p>	<p>керак. Бироқ ЛЖШлар билан бевосита муҳокама қилиш талаб этилмайди.</p> <p>В. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби. Ҳар бир давлат идораси/вазирлиги фуқароларнинг шикоят ва арзларини рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича батафсил кўрсатмаларга (ҳукумат томонидан тасдиқланган) риоя қилиши шарт.</p> <p>Г. Мол-мулкни олиш шартлари. Мулкни ЛЖШларга тўлиқ компенсация тўланганидан кейингина олиш мумкин.</p>	<p>лойиҳалари учун мувофиқлаштириб бўлинган. Яхшироқ амалиёт лозим.</p> <p>Мувофиқлаштиришга эҳтиёж йўқ.</p> <p>Г. Принципиал жиҳатдан бир хил, бироқ амалий қўллаш тизимли эмас. Амалий қўллашни яхшилаш лозим.</p>
<p>Химоясиз ва жиддий таъсирга учраган ЛЖШларга ёрдам</p>	<p>А. Бундай ЛЖШларни аниқлаш керак ва уларнинг лойиҳадан аввалги турмуш даражасини тиклаш/яхшилаш учун махсус ёрдам кўрсатилади.</p>	<p>А. Ерни олиш ва мажбурий равишда кўчириш натижасида турмушни тиклаш борасида махсус қонунлар ёки қоидалар мавжуд эмас.</p> <p>Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва турмуш шароитини яхшилаш чоратадбирлари бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, ҳукумат томонидан Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори (2012 йил 12 декабрдаги 350-сон ва 2013 йил 15 декабрдаги 44-сон) асосида ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар кўриб чиқилади ҳамда "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонун (№ 422-ХП, 18 ноябрь 1991 йил) орқали ногиронлар кўриб чиқилади.</p> <p>Шу боис, аҳолининг заиф</p>	<p>Амалий қўллашда кескин даражада фарқ қилади. Амаллий қўллаш механизмлари қисмларини расмий мувофиқлаштириш талаб этилиши мумкин. ЖБ лойиҳалари бўйича қарорда инобатга олинади.</p>

ЖИҲАТ	ЖАҲОН БАНКИ	ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТАРТИБ- ҚОИДАЛАРИ	УЙҒУНЛАШГАН АСОСЛАР
		қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳукумат томонидан доимий равишда марказий ва маҳаллий даражада таъминланади ва лойиҳани амалга ошириш муносабати билан қўшимча тўловларни талаб қилмайди.	

57. Ҳақ-ҳуқуқлар Матрицаси юқорида келтирилган таққослашларни ҳисобга олган ҳолда Миллий қонунчилик ва Жаҳон банкининг 4.12 АСга мувофиқ ишлаб чиқилган. ЛЖШларга бериладиган компенсация/ёрдам тури кейинги бўлимда батафсил тасвифланган.

5. КОМПЕНСАЦИЯЛАР МАТРИЦАСИ

58. Миллий қонунчилик ва Жаҳон Банкнинг Фаолият принциплари ўртасидаги уйғунликдан сўнг, лойиҳанинг таъсири туфайли ер, бошпана, бизнес, даромад, тирикчилик манбаъларидан маҳрум бўлган ҳар қандай шахс ёки оила ёки маҳалла лойиҳа амалга оширилишидан аввалги ҳолатидан яхшироқ ёки тенг бўлган ҳолатни тиклашга имкон берувчи компенсация ва/ёки хордиқ ва соғлиқни тиклаш ёрдами олиш ҳуқуқига эга. КХРни тузиш чоғида ҳақлилик таъсир оқибатларига қараб аниқланади. ЛЖШ ичида тузилган ҳақлилик рўйхати мулкка эгалик ҳуқуқи бўлмаган ЛЖШларга ҳақ-ҳуқуқ бериш учун асос бўлиб хизмат қилса, мулкка эгалик қилувчи шахсларнинг ҳақлилиги шу мулк ҳужжатлари ёки қонунан мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа расмий ҳужжатларни кўриб чиқиш орқали аниқланади.

5.1 Якуний сана

59. Якуний саналар рўйхатлар тузилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳақли бўлмаган шахслар ҳақлиқни даъво қилиш имкониятига эга бўлмасликларини таъминлайди. Якуний санани белгилаш фурсатчиларнинг танланган ерни эгаллаб олиш ёки у ерга шошилиш тарзда кўчиб олиш орқали сублойиҳага катта хавф туғдиришини олдини олиш учун лозим бўлади. Хатловнинг сўнгги куни якуний сана деб ҳисобланади. Ушбу санадан сўнг хатлов жараёнида тузилган ЛЖШлар рўйхатига киритилмаган одамлар компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Хатлов зарар кўрган УХ ҳақида маълумот тўплаш мақсадида амалга оширилади. Унинг аниқ санаси КХРга киритилади ва таъсирга учраган жамоаларга тушунарли тарзда етказилади. Ундан сўнг таъсирга учраган одамлар бўйича янги ҳолатлар кўриб чиқилмайди. Қурилиши тугалланмаган иморатлар аниқланиб, хавфсиз ҳолатга келтирилади, шунингдек, яқка тартибдаги қурилиш учун керакли ишлатилмаган материаллар бир жойга тўпланиб, якуний санагача қилинган харажатлар (шу жумладан меҳнат ҳақи) эвазига қопланиши керак бўлган ЛЖШлар сармоеси қиймати чиқарилади. Якуний сана ва ҳақиқий самарали инвестициялар (қурилиш ишлари ва бошқалар) бошлангич вақт орасидаги вақт даври бўлганлиги сабабли, шу жойларни шошилиш тарзда ва фурсатчилар эгаллаб олишидан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

60. Ушбу чора-тадбирлар таниқли ЛЖШлар билан яқиндан муҳокамлар ўтказишни, жойдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида жамоатчиликни хабардор қиладиган белгиларни, ерни эгаллаб олиши мумкин фурсатчиларни аниқлаш учун хавфсизлик патруллари ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин. Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан кўшимча текшириш ва якуний санани бузиш ҳолатларининг мониторинги амалга оширилиб, маҳаллий кўчириш комиссиясига ёзма равишда етказилиши мумкин. Буни маҳаллий ЛЖШ вакиллари ёки жойлардаги маҳаллий аҳоли амалга ошириши мумкин.

61. Ушбу жараён мазкур КРАМда шикоятларни кўриб чиқиш механизмларига тўлиқ мос келиши керак ва ушбу сана потенциал ЛЖШ ва атрофдаги маҳаллий жамоаларга самарали шаклда етказилиши керак.

а) Лойиҳадан жабрланган шахслар (ЛЖШ) таъриф

62. Жаҳон банкнинг таърифига кўра, КРАМ ЛЖШга лойиҳа оқибатида жисмоний ёки номоддий активларини, шу жумладан уйлар, жамоалар, унумдор ерлар, ресурслар, яъни суғориладиган ерлар, ўрмонлар, яйловлар ёки муҳим маданий объектлар, тижорий мулклар, ижарага бериш, даромад олиш имкониятлари, ижтимоий ва маданий тармоқлар ва фаолиятларнинг буткул ёки қисман йўқотиш арафасидаги одамлар сифатида қарайди. Бундай таъсирлар доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Бу ерни тортиб олиш орқали, мажбурий тасарруф қонунлари ёки бошқа тартибга солиш чораларини қўллаган ҳолда жамоат

парклар, ўйин майдончалари ва қўриқланадиган ҳудудларга киришни чеклаш ёки камайтириш орқали содир бўлиши мумкин.

63. Ушбу КРАМда ЛЖШлар – бу ер участкалари, турар-жойлар, бошқа иморатлар, бизнес, мол-мулкларни йўқотиш ёки ресурсларидан айрилиш орқали Лойихадан бевосита жабр кўрган қуйидаги одамлардир:

- Қишлоқ хўжалиги ерлари таъсирга учрайдиган шахслар
- Турар жойлари/уйлари таъсирга учрайдиган шахслар
- Ижарадаги уйлари таъсирга учрайдиган шахслар;
- Бизнес фаолиятлари, фермерлик фаолиятлари, касби ёки иш жойлари таъсирга учрайдиган шахслар
- Экинлари (йиллик ва кўп йиллик) / дарахтлари лойиҳа таъсирга қисман ёки буткул учрайдиган шахслар;
- Бошқа мол-мулкларни ёки улардан фойдаланиш имконияти лойиҳа таъсирга қисман ёки буткул учрайдиган шахслар; ва
- Қўриқланадиган ҳудудларга кириш чекланганлиги сабабли тирикчилиги (доимий ёки вақтинча) таъсирга учрайдиган шахслар.
- Қурилиш пайтида суғориш суви таъминотининг тўхташи сабабли таъсирга учрайдиган шахслар.

64. КРАМ доирасидаги кўрсатмалар ҚИРЛ инвестицияларига нисбатан қўлланилади. КРАМ таъсирнинг жиддийлигидан ва ерга қонуний ҳуқуқи бор-йўқлигидан ва уларнинг жами сонидан қатъий назар, барча иқтисодий ва/ёки жисмонан кўчирилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Иқтисодий ва/ёки жисмонан кўчирилган лар ичида ижтимоий заиф гуруҳлар, айниқса, аёллар бошчилигидаги оилалар, кам таъминланган оилалар, қаровсиз қариялар бошчилигидаги ва жисмоний имконияти чекланганлар бошчилигидаги оилалар ёки бошқа иқтисодий ва/ёки Ўзбекистоннинг ерни компенсациялаш тўғрисидаги қонунчилигига кўра, компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлмаган жисмоний ночор шахслар эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилади.

б) Компенсациялар Матрицаси

65. Барча ерга мажбурий эгалик қилиш ҳолатлари, 4.12 АСга биноан, кўчиб ўтиш харажати қийматида компенсация қилинади ва ЛЖШларга уларнинг турмуш даражасини (зарар кўрган бошпана ва даромадлар) лойиҳа амалга оширилишидан аввалги даражасини қайта тиклаш ёки ундан яхшироқ даражага эришида ёрдам кўрсатилади. Президентнинг 911-сонли Фармонида биноан (16. 11. 2019), ЛЖШларга кўчиб ўтиш харажати, шу жумладан бозор қийматида компенсация ва зиёнлар тўлаб берилади. Таъсирга учраган иморатларни қийматлаш мустақил баҳолаш компаниялари томонидан амортизация чегириб ташланмасдан баҳоланиши мумкин. Ерга оид компенсация туман ҳокимиятлари томонидан тегишли маҳалла/қишлоқда ерни олиш тўғрисидаги акт асосида амалга оширилади.

66. ҚИРЛнинг КРАМ тамойилларига биноан, барча кўчирилган УХ ва шахслар йўқотилган мулкка эгалик ҳуқуқининг хусусиятига ва таъсир кўламига, шу жумладан кўчирилган одамларнинг ижтимоий-иқтисодий заифлик даражасига, агар турмуш таъсирга учраши кўзда тутилган бўлса, уларнинг турмушини қайта тиклаш бўйича чоралардан келиб чиқиб, комбинацияланган компенсация пакетлари ва бошқа жойга кўчиб ўтиш ёрдамини олиш ҳуқуқига эга. Кўчирилган шахслар қуйидаги беш турдаги компенсация ва ёрдам пакетларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

- i. Ерлар, экинлар/дарахтлар йўқотилганлиги учун уларни алмаштиш қийматида компенсация;
- ii. иморатлар (турар-жой/тижорат) ва бошқа кўчмас мулк объектлари учун уларни алмаштириш қийматида компенсация
- iii. кўчириш харажатлари;
- iv. Бизнес/иш ҳақи даромадидан маҳрум бўлганлик эвазига ёрдам ва даромадларни тиклашга ёрдам;
- v. Янги жой ажратилиши ва кўчиб ўтишда ёрдам (агар керак бўлса) ва

vi. Аҳоли ресурслари/иморатларини қайта қуриш ва/ёки тиклаш.

67. Яқуний сана талабларига мос келган кўчирилган шахслар йўқотилган мулкка эгалик ҳуқуқининг хусусиятига ва таъсир кўламига, шу жумладан кўчирилган одамларнинг ижтимоий-иқтисодий заифлик даражасидан келиб чиқиб, комбинацияланган компенсация пакетлари ва бошқа жойга кўчиб ўтиш ёрдамидан олиш ҳуқуқига эга. Қутилмаган таъсирлар ушбу КРАМ принципларига мувофиқ равишда юмшатилади.

68. Компенсациялар матрицаси (жадвал) кўрилган зиён турлари ва мос уларга мос равишда бериладиган имтиёзлар табиати ва ҳажмини ўзида жамлаган ва у Миллий қонунларга ва Жаҳон банкининг 4.12 АСга мувофиқдир. Компенсациялар матрицаси кўчган шахсларга уларнинг ерга эгалик ҳуқуқига мос келадиган имтиёзларни қуйидаги тартибда тақдим этади:

- 1) Ерни йўқотиш (қишлоқ хўжалиги, турар-жой, тижорат ёки бошқа мақсадлардаги)
- 2) Турар-жой иморатини (яшаладиган бинолар) йўқотиш
- 3) Тижорат иморатларни йўқотиш
- 4) Ижарачиларга таъсир (турар-жой/тижорат/қишлоқ хўжалиги)
- 5) Дарахтларга, мавжуд ўсимликлар, бошқа мулклар, кўп йиллик ва кўп йиллик бўлмаган экинларга таъсир
- 6) Ер/уй/дўконни йўқотиш
- 7) ўзбошимчалик билан эгасиз ерга жойлашиб олган шахсларга таъсир
- 8) Ноқонуний эгаллаб олувчиларга таъсир
- 9) Қишлоқ-хўжаликка алоқадор бўлмаган фаолиятда иш билан бандлик ёки қишлоқ-хўжалигида кунбай иш ҳақи ёки бошқа ёлланма ишчиларни йўқотиш
- 10) Ишчилар.
- 11) Ижтимоий заиф УХга таъсир
- 12) Қутилмаган таъсирлар.

4-ЖАДВАЛ: Компенсациялар матрицаси

№	Таъсирлар тоифаси	Ҳақ-ҳуқуқлар (имтиёзлар)		Амалга ошириш қўлланмаси
1-бўлим. ҲАҚ-ҲУҚУҚ ЭҒАЛАРИ – Хусусий мулкни йўқотиш				
1	Erни йўқотиш (қишлоқ хўжалик, яшаш, тижорий ва бошқа мақсадларда, шу жумладан резидент ва норезидент мулк эгалари)	а	Erни тенг қийматдаги ер участкаси билан компенсациялаш	“Er учун ер” компенсацияси барча ЛЖШларга ерлари йўқотилган тақдирда тенг қиймат/ҳосилдорликдаги шу каби ер участкасини, ўхшаш жойлашув ва қўшимча қишлоқ хўжалиги воситаларини танлаш орқали берилади. Олди-сотди харажатлари, шу жумладан қийматлаш пули, давлат божлари ва рўйхатга олиш харажатлари лойиҳа томонидан қопланади.
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер				
		а	Erни тенг қийматдаги ер участкаси билан компенсациялаш <i>ЁКИ</i> Янги ерни лойиҳадан олдинги даражасига тиклаш учун компенсация.	Йўқотилган ҳосилни бозор қийматидаги компенсацияси охириги 3 йил ичидаги ўртача йиллик даромаднинг 4 га кўпайтирилганига (йилларга) тенгдир. Таъсирга учраган ҳайдаладиган ер майдонининг таъсирга учрамаган қисмлари, агар улар таъсир оқибатида яроқсиз ҳолатга келса, компенсация қилинади.
		Б	Оғир жабрланган УХ учун уч ойлик энг кам иш ҳақи ⁶ даромадига эквивалент бўлган нафақа пули	Ҳосилдор ерларнинг 10%дан ортиғини йўқотадиган УХ.
2.1. Турар жой иншоотлари				
2	Қишлоқ хўжалиидан ташқари фаолиятдаги бандлик ёки қишлоқ хўжаликдаги кунбай иш ҳақи ёки бошқа ёлланма ишчиларни йўқотиш	а	1-бўлимда кўрсатилган ерлар учун компенсацияга қўшимча равишда, иморатларни бўшатиб қўйиш ҳақида 6 ой аввалдан билдириш. Тўлиқ алмаштириш харажатлари қийматида нақд пул компенсацияси. ЁКИ Қўшни ҳудудларда тенг аҳамиятга эга муқобил уй-жой билан таъминлаш. Агар муқобил уйнинг бозор қиймати таъсирга учраган уйдан пастроқ бўлса, у ҳолда бу фарқ эвазига қўшимча нақд пул	Компенсацияларни тўлаш мустақил Баҳолаш Хизмати томонидан қўшни ҳудудлардаги маҳаллий бозорларда компенсация тўлов вақтидаги базавий қийматлар бўйича инфляция ва кўчмас мулк соҳасидаги нархлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Олди-сотдини расмийлаштириш харажатлари, шу жумладан баҳолаш учун тўлов, давлат божи ва рўйхатга олиш харажатлари лойиҳа томонидан қопланади. Қисман зарар кўрган иморатлар учун ЛЖШлар, агар қолган қисми яроқсиз бўлса, бутун иморат учун компенсация талаб қилиш имкониятига эга бўладилар.

⁶ 2019 йил июнда Ўзбекистонда энг кам иш ҳақи _____ га тенг

			компенсацияси берилади.	
		Б	Таъсирга учраган материалларни сақлаб қолиш ҳуқуқи.	Компенсацияни ҳисоблашда сақлаб қолинган материаллар учун амортизация ёки уларни ўзида олиб қолиш туфайли чегирмалар ушлаб қолинмайди
		В	Лойиҳа туфайли кўчишга мажбур бўлган лойиҳадан жабрланган УХ учун уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бўлган бир марталик нафақа пули	Бошқа жойга кўчиб ўтиши зарур бўлган УХга яшаш шароитларини тиклашнинг бир қисми сифатида ёрдам кўрсатилади.
		Г	Бошқа жойга кўчиш керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси	Бир марталик нафақа хатлов тадқиқоти чоғида лойиҳа ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади.
		Д	Таъсирга учраган уй-жой иморати учун нақд пул компенсацияси олувчи таъсирга учраган УХ учун 24 ойгача бўлган ижара пули ЁКИ Муқобил уйни олувчилар учун 1 ойлик ижара пули	Ойлик нафақа ЛЖШларни хатлаш чоғида лойиҳа тегишли ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Кўчмас мулк агентликлари ёки веб-сайтлар маълумотлари асос сифатида олиниши мумкин. Бир ойлик яшаш учун нафақа тайёр муқобил уй билан таъминланадиган УХларга берилади
		2.2. Турар-жой биноларга туташган кичик иншоот объектларини, масалан, тўсиқлар, шийпонлар/чодирлар ва бошқаларнинг йўқотилиши		
		а	Таъсирга учраган тузилма/асосий воситалар учун тўлиқ алмаштириш қийматда, амортизация ва контракция харажатлардан ҳоли компенсация	ЛЖШлар сақлаб қолинган материалларни ўзларида қолдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак
3	Қишлоқ хўжалигидан ташқари фаолиятдаги бандлик ёки қишлоқ хўжаликдаги кунбай иш ҳақи ёки бошқа ёлланма ишчиларни йўқотиш	а	Юқоридаги 1-бўлимда кўрсатилган Ер учун Компенсация ва Ёрдамга қўшимча тарзда . . Тўлиқ алмаштириш қийматида нақд пул компенсацияси . ЁКИ Туташ ҳудудларда тенг аҳамиятдаги муқобил тижорий иншоот билан	Компенсацияларни тўлаш мустақил Баҳолаш Хизмати томонидан қўшни ҳудудлардаги маҳаллий бозорларда компенсация тўлов вақтидаги базавий қийматлар бўйича инфляция ва кўчмас мулк соҳасидаги нархлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Олди-сотди харажатлари, шу жумладан қийматлаш пули, давлат божлари ва рўйхатга олиш харажатлари лойиҳа томонидан қопланади.

			таъминлаш. Агар муқобил иморатнинг бозор қиймати таъсирга учраган иморатдан пастроқ бўлса, у ҳолда бу фарқ эвазига қўшимча нақд пул компенсацияси берилади.	Қисман зарар кўрган иморатлар учун ЛЖШлар, агар қолган қисми яроқсиз бўлса, бутун иморат учун компенсацияга даъвогар бўлиш имкониятига эга бўладилар.
		Б	6 ой аввалдан иморатни бўшатиб қўйиш ҳақида билдириш	
		в	Таъсирга учраган материалларни сақлаб қолиш учун компенсация ҳуқуқи	Компенсацияни ҳисоблашда сақлаб қолинган материаллар учун амортизация ёки уларни ўзида олиб қолиш туфайли чегирмалар ушлаб қолинмайди
		г	Бизнес эгаси савдо/ўз-ўзини иш билан таъминлашдан маҳрум бўлиши эвазига бир йиллик иш ҳақига тенг бир марталик грант.	Компенсацияни тўлаш солиқ декларацияси ёки расмий энг кам иш ҳақига асосланган бўлади.
		Д	Лойиҳа туфайли кўчишга мажбур бўлган аёл киши бошчилигидаги УХга учун уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бир марталик нафақа пули	Ишлаб чиқариш қувватининг 10 %дан кўпини йўқотадиган кўчирилиши лозим бўлган тижорат иморатлари эгалари жиддий таъсирга учраган субъектлар сифатида қабул қилинади.
		Е	Бошқа жойга кўчиш керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси	Бир марталик нафақа хатлов тадқиқоти чоғида лойиҳа ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади.
		Ё	Ижарани узилиши пайтида йўқотилган даромад эвазига 3 ойлик ижара пули.	Ойлик нафақа лойиҳанинг тегишли ҳудудида бозордаги ўртача ижара нархидан келиб чиқиб, ЛЖШларни хатлаш пайтида ҳисоблаб чиқилади. Қўчмас мулк агентликлари ёки веб-сайтларнинг маълумотлари асос сифатида олиниши мумкин. Реабилитация учун ёрдам кўрсатиш, агар керак бўлса (иш билан таъминлаш, кўникмалар тренинги)
4	Ноконуний эгаллаб олувчиларга таъсир Ижарачиларга (турар-жой, тижорий/қишлоқ хўжалиги) таъсир	4.1. Турар-жой объектлари		
		а	Ижара жойни бўшатиш ҳақида 1 ой аввалдан билдириш	
		б	Бир ой учун ижара ҳақи	Ойлик нафақа ЛЖШларни хатлаш чоғида лойиҳа тегишли ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Қўчмас Мулк Агентликлари ёки

			веб-сайтлар маълумотлари асос сифатида олинishi мумкин.
		В	Бошқа жойга кўчиш керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси
			Бир марталик нафақа хатлов тадқиқоти чоғида лойиҳа ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади.
		4.2. Тижорат объектлари	
		а	1 ой аввал ижара жойини бўшатиш ҳақида билдириш.
		Б	Бир ойлик ижара ҳақи.
			Ойлик нафақа ЛЖШларни хатлаш чоғида лойиҳа тегишли ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Кўчмас Мулк Агентликлари ёки веб-сайтлар маълумотлари асос сифатида олинishi мумкин.
		В	Бошқа жойга кўчиб ўтиши керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси.
			Бир марталик нафақа хатлов тадқиқоти чоғида лойиҳа тегишли ҳудудидаги ҳақиқий бозор нархидан келиб чиқиб ҳисобланади
		г	Тижорат ижарачилари юқоридаги 3 (с) бандига биноан савдо/ўз-ўзини иш билан таъминлашдан маҳрум бўлиши эвазига эгасининг ўрнига бир марталик нафақа оладилар.
			Компенсацияни тўлаш солиқ декларацияси ёки расмий энг кам иш ҳақига асосланган бўлади.
		4.3. Қишлоқ хўжалиги ижарачилари	
		а	Қишлоқ хўжалиги ижарачилари ҳолатида ҳосилни йиғиб олиш ҳақида олдиндан билдириш ЁКИ Йўқотилган экин эвазига 1 йиллик ҳосилнинг бозор қийматида компенсация
			1 йиллик ишлаб чиқариш харажатлари (сарфлар) қўшув лойиҳа ҳудудидаги тегишли туман Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (ҚХБ) томонидан аниқланган сўнгги 3 йилдаги ўртача даромадга асосланган ўртача даромадга эквивалент нафақа
5	Дарахтлар, доимий ҳосиллар, бошқа мулклар, кўп йиллик ва кўп йиллик бўлмаган экинларга кўрсатилган таъсир		Мавжуд ҳосилни йиғиштириб олинishi учун уч ой (90 кун) аввалдан билдириш ЁКИ Йўқотилган жами ҳосилни бозор қийматига тенг биттада тўланадиган бир бўлак миқдор
			1 йиллик ишлаб чиқариш харажатлар (сарфлар) қўшув лойиҳа ҳудудидаги тегишли туман ҚХБ томонидан аниқланган сўнгги 3 йилдаги ўртача даромадга асосланган ўртача даромадга эквивалент нафақа
		б	Ёғоч дарахтлар учун компенсация алмаштириш қиймати асосида берилади.
			ҚХБ томонидан аниқланган ҳажмдаги қуруқ ёғочнинг бозор нархида Кесилган дарахтлар таъсирга учраган УХда қолади.
		В	Мевали дарахтлар учун компенсация алмаштириш қийматида берилади.
			Йўқотилган ҳосилнинг бозор нархидан келиб чиқиб, сўнгги 3 йилдаги ўртача йиллик даромад 4

				га (йиллар) кўпайтирилганига тенг, плюс дарахтларга сарф этилган экишдан бошлаб улар ҳосилга кириш босқичигача бўлган даврдаги харажатлар.	
2-бўлим. Аёл киши бошчилигидаги УХга қўшимча ёрдам (мулкка эгалик ҳуқуқига эга ва эга бўлмаганлар)					
6	Ер/уй-жой/дўконни йўқотиш	Лойиҳа туфайли кўчишга мажбур бўлган аёл киши бошчилигидаги УХга учун уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бир марталик нафақа пули			
3-бўлим. МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ЙЎҚЛАР – ўзбошимчалик билан эгасиз ерга жойлашиб олган шахс лар/ерни ноқонуний эгаллаб олувчиларга таъсир					
7	Ноқонуний эгаллаб олувчиларга таъсир	7.1 Уйни йўқотиш			
		а б	Иморатнинг бозор нархида нақд пул компенсацияси ЁКИ Ўхшаш муқобил иморат билан тъаминлаш.		
			Таъсирга учраган материалларни сақлаб қолиш ҳуқуқи.		
		В	Лойиҳа туфайли кўчишга мажбур бўлган лойиҳадан жабрланган УХ учун уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бўлган бир марталик нафақа пули		
		г	Бошқа жойга кўчиш керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси		
		д	Қонуний ҳуқуқни қонунийлаштиришга ёрдам	Олди-сотди харажатлари, шу жумладан қийматлаш пули, давлат божлари ва рўйхатга олиш харажатлари лойиҳа томонидан қопланади.	
		<i>Дўкон, киоск, таъмирхонани йўқотиш</i>			
		а	Иморатлар учун алмаштириш қийматида тўла нақд пул компенсацияси ЁКИ Ўхшаш муқобил иморат билан тъаминлаш.		
		Б	Таъсирга учраган материалларни сақлаб қолиш ҳуқуқи.		
		В	Лойиҳа туфайли кўчишга мажбур бўлган лойиҳадан жабрланган УХ учун уч		

			ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бўлган бир марталик нафақа пули	
		г	Бошқа жойга кўчиш керак бўлганлар учун бир марталик кўчиш нафақаси	
		д	Ҳуқуқни қонунийлаштириш учун ёрдам	Олди-сотди харажатлари, шу жумладан қийматлаш пули, давлат божлари ва рўйхатга олиш харажатлари лойиҳа томонидан қопланади.
		7.3 Мавжуд ҳосилни йўқотиш		
		Доимий ҳосилни йиғиб олиш учун уч ой (90 кун) аввалдан билдириш . . ЁКИ Йўқотилган мавжуд ҳосилни бозор қийматига тенг биттада тўланадиган бир бўлак миқдор		
8	Ноқонуний эгаллаб олувчиларга таъсир .	8.1 Мавжуд ҳосилни йўқотиш		
		а	Мавжуд ҳосилни йиғиб олиш учун 2 ой аввалдан билдириш ёки, агар билдириги берилмаган бўлса, доимий ҳосилни бозор қийматида компенсация.	Мавжуд ҳосилнинг бозор қиймати ЛАОГ томонидан тегишли туманларда Қишлоқ хўжалик бошқармаси билан маслаҳатлашиш орқали белгиланади.
		8.2. Иморат		
		а	ноқонуний эгаллаб олинган иморат бузилишини 1 ой аввалдан билдириш	
		б	Иморатларнинг бозор қийматида унинг таъсирга учраган қисми учун амортизациясиз компенсация	
4-бўлим. Тирикчилик имкониятларини йўқотиш				
9	Қишлоқ хўжалиидан ташқари фаолиятдаги бандлик ёки қишлоқ хўжаликдаги кунбай иш ҳақи ёки бошқа ёлланма ишчиларни йўқотиш		Уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бир марталик нафақа пули	Фақатгина ер эгасининг тўлиқ ставка/доимий банд бўлган қишлоқ хўжалигидаги ишчилари ёки ушбу хўжалик субъектининг таъсирга учраган тўлиқ ставка ишчилари ушбу ёрдамни олишга ҳақли бўладилар. Қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишчилар мазкур ёрдамни олишга ҳақли бўлмайдилар.

5-бўлим. Заиф УХларга таъсир				
10	Ижтимоий заиф УХ (аёл киши бошчилигидаги УХ, кам даромадли УХ, қаровсиз кекса бошчилигидаги УХ, жимсоний имконияти чекланган шахс бошчилигидаги УХ)	а	Аввалги даромадни олишни давом этиши ёки унинг ошишини таъминлаш учун мавжуд ижтимоий ҳимоя тармоқ дастурларига киритиш	Турмуши таъсирга учраган кўчирилган УХнинг битта ёши катта аъзоси кўникмаларини ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Аҳолини рўйхатга олиш гуруҳи кўчирилганларнинг 100 фоиз хатлов натижаларига асосан ҳимояга муҳтож бўлган заиф кўчганлар шахслар сонини аниқлаб беради ва кўчган шахслар билан бирга кўникмалар ва минтақага мос келадиган машғулот дастурларини ишлаб чиқиш учун машғулотларини ўтказишга бўлган эҳтиёжни муҳокама қилади. . . Мос тренерлар ёки маҳаллий манбалар ҚИРЛнинг ХБМ томонидан ЛАОГ да маҳаллий ўқув муассасалари билан маслаҳатлашган ҳолда аниқланади. . Ушбу жараёнга маҳаллий НТларни жалб қилиш тавсия этилади.
		Б	Уч ойлик энг кам иш ҳақи даромадига эквивалент бир марталик нафақа	
		в	Лойиҳага алоқадор иш жойларида бандликка, ўқитиш имкониятлари, ўз-ўзини иш билан таъминлашга устуворлик бериш ва иш ҳақини тўлашга ёрдам бериш	

в) Ихтиёрий ер инъоми - мумкин ва мумкин бўлмаган ҳолатлар

69. Кичик даражадаги сублоийҳа ишларини амалга ошириш учун кичик ер участкалари эҳтиёж туғилса, ерларнинг инъом қилинишида лойиҳа маъсуллари маҳаллий аҳолидан ёрдам сўраши мумкин. Айни пайтда, маҳаллий аҳоли аъзолари ўз ерларига ёки бошқа мол-мулклари эвазига алмаштириш қийматида тўлиқ компенсация сўрамай ёки берилишини талаб қилмай, уларни инъом сифатида топшириш ҳуқуқига эгадирлар. Ихтиёрий инъом – бу онгли розилик далолатидир. Маҳаллий ҳокимият идоралари жабрланган ва ихтиёрий инъом қилаётган шахснинг бошқа вариантлар (шу жумладан алмаштириш қийматидаги компенсация) мавжудлиги тўғрисида тўлиқ ва олдиндан маълумотга эга бўлишини ҳамда ихтиёрий инъом мажбурлаш ёки зўрлаш натижасида олинмаслигини таъминлаши лозим. Шунингдек, таъсирга учраган шахслар бундай таъсирга сабаб бўладиган инвестицияларнинг бевосита бенефициарлари бўлсагина ихтиёрий инъомга рухсат берилади. Якка тартибдаги мулкдорлар ёки фойдаланувчиларнинг даромадлари ёки турмуш даражаларига жиддий зиён етказадиган ихтиёрий ёрдамни ўз ичига оладиган таклифлар, тасдиқлаш учун тақдим этилмайди (ихтиёрий равишда берилган ерлар миқдори бу шахс умумий ер майдонининг 10 фоизидан ошмаслиги керак).

70. Хусусан, қуйидаги протокол лойиҳадаги ихтиёрий инъомларни тартибга солади:

- Ихтиёрий инъом – бу онгли розилик далолатидир ва таъсирга учраган инсонлар уларнинг ерларга эгалик ҳуқуқий мақомидан қатъий назар, ерни ёки бошқа мол-мулкни мажбурлаш ёки зўрлаш оқибатида топширишга мажбурланмайди ёки улар ерни топширишга мажбур деб ишонтириб йўлдан адаштирилмайди.
- Ерни тасарруф қилиш жисмоний ёки иқтисодий жиҳатдан бошқа жойга кўчишга олиб келмаслиги керак.

- Таъсир оқибатлари аҳамиятсиз бўлиши керак. Ер ёки бошқа мулки инъом сифатида топширадиган уй хўжаликлари суб-лойиҳанинг бевосита бенефициарларидир; таъсир шу мазкур хўжаликларига тегишли бўлган жами ишлаб чиқариш активларининг 5%идан кам бўлиши керак.
- Ер участкаларини талаб қиладиган объектлар, махсус жой талаб қилмаслиги керак.
- Кўриб чиқилаётган ерлар сваттерлар, ноқонуний эгаллаб олувчилар ёки бошқа даъволар ва тўсиқлардан ҳоли бўлиши керак.
- Ерлар ЛАОГ ёки бошқа тармоқ агентликлари ёки лойиҳа мутасаддилари томонидан эмас, МФЙ томонидан аниқланиши керак. Шу билан бирга, лойиҳанинг техник идоралари ернинг суб-лойиҳа мақсадларига мувофиқлигини ва суб-лойиҳа соғлиқ учун ёки атроф-муҳит учун зарарли таъсир кўрсатмаслигини таъминлаши керак.
- Ихтиёрийлик ЛАОГ томонидан юқори лавозимдаги расмий шахснинг тегишлича имзоси билан тасдиқланади. Ушбу мақсаддаги жараён ЛАОГ томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун Банкка тақдим этилади.
- Ер инъоми ихтиёрий эканлигининг тасдиғи ерни инъом қиладиган ҳар бир шахс/уй хўжалигидан олинishi керак. Бу имзоланган баёнотлар шаклида бўлиши керак.

71. ҚИРЛ фасилитаторлари ўз ерларини инъом қиладиган уй хўжаликларига миннатдорчилик ҳиссини изҳор этиш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича аҳоли ўртасида хабардорликни оширадilar. Булар баёнотларда ўз аксини топади. Бошқа шартлари тўғри келсада, ер инъомлари аёл киши бошчилигидаги уй хўжалиги ва қариялардан қабул қилинмайди.

72. Таъсирга учраган инсонлар ер ёки бошқа хусусий мулкни инъом қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга эканликлари ва бунинг ўрнини қоплаш эвазига компенсация олиш ҳуқуқига эга эканликлари ва шикоятларни кўриб чиқиш механизми орқали инъом қилишни истамасликларини билдиришлари мумкинлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўладilar. Бундан ташқари, одамлар саволлари ёки талаблари бўлса, оғзаки ёки ёзма услубда шикоятларни кўриб чиқиш механизмидан фойдаланишлари тавсия этилади.

г) Йўқотилган ва таъсирга учраган ерни қийматлаш ва компенсациялаш

73. ҚИРЛнинг КРАМ тамойилларига биноан, барча кўчирилган УХ ва шахслар йўқотилган мулкка эгалик ҳуқуқининг хусусиятига ва таъсир кўламига, шу жумладан кўчирилган одамларнинг ижтимоий-иқтисодий заифлик даражасига, агар турмуш таъсирга учраши кўзда тутилган бўлса, уларнинг турмушини қайта тиклаш бўйича чоралардан келиб чиқиб, комбинацияланган компенсация пакетлари ва бошқа жойга кўчиб ўтиш ёрдамлари олиш ҳуқуқига эга. Кўчирилган шахслар қуйидаги беш турдаги компенсация ва ёрдам пакетларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

- Ерлар, экинлар/дарахтлар йўқотилганлиги учун уларни алмаштириш қийматида компенсация;
- иморатлар (турар-жой/тижорат) ва бошқа кўчмас мулк объектлари учун уларни алмаштириш қийматида компенсация
- ;
- Бизнес/иш ҳақи даромадидан маҳрум бўлганлик эвазига ёрдам ва даромадларни тиклашга ёрдам;
- Янги жой ажратилиши ва кўчиб ўтишда ёрдам (агар керак бўлса) ва
- Аҳоли ресурслари/иморатларини қайта қуриш ва/ёки тиклаш.

74. Юқорида санаб ўтилган активларни баҳолашнинг стандарлашган жадвалларини тузиш ва/ёки сезиларли таъсир кўрсатадиган лойиҳалар учун ҳар бир ҳолатда ўзига хос баҳолаш усулини қўллаш учун қуйидаги ҳисоблаш усуллари қабул қилинади.

д) Активларни баҳолаш

75. Активларни, шу жумладан кўчмас мулкни, бизнесни ва бошқаларни баҳолаш "Баҳолаш фаолияти тўғрисида" ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва

- қарорлари, ҳукумат қарорлари, ҳукумат давлат стандартлари ва миллий қонунчиликнинг бошқа қоидалари асосида амалга оширилади. Кўчмас мулкни баҳолаш билан боғлиқ бўлган ва ажратилган ерлар учун компенсацияни белгилашда, бузиб ташлаш ва бошқа жойга кўчиришда фойдаланиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар орасида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:
- Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги **97-сон қарори - "Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"**;
 - Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги 25 майдаги **146-сонли қарори - "Шаҳарсозлик ва бошқа қишлоқ хўжалигига тегишли бўлмаган мақсадлар учун ер участкаларини бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**;
 - Ўзбекистоннинг мулкни баҳолашнинг миллий стандартлари (ИФ) № 10 "Кўчмас мулкни баҳолаш" (Адлия вазирлигида 2009 йил 18 сентябрда рўйхатга олинган, № 2044);
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг "Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини баҳолаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида" қарори (Адлия вазирлигида 2004 йил 8 апрелда рўйхатга олинган, № 1336);
 - Ҳуқуқий ҳужжатларнинг кетма-кетлиги ва уларнинг мазмуни бозорга қараб баҳолаш назарияси ва амалиёт давлат ва жамоатчилик томонидан қандай тушунилишини тавсифлайди. Буни "Баҳолаш фаолияти тўғрисида" ги қонунда эътироф этилган бир қатор таърифлар ва нормалар тасдиқлайди. Масалан:
 - "Баҳолаш фаолияти баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятидир"⁷
 - "Баҳоловчи ташкилот" баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахсдир. Баҳоловчи ташкилот ўз фаолиятида мустақилдир. Хизматларнинг истеъмолчиси (бундан буён - "буюртмачи") ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг баҳоловчи ташкилот фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан баҳоловчи ташкилотни тузиш ва баҳолаш фаолиятини амалга ошириш тақиқланади, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса"⁸
76. Баҳолаш фаолияти мустақил ташкилотлар (сертификатланган баҳоловчиларга эга хусусий компаниялар) томонидан амалга ошириш экин, давлат баҳолаш фаолиятини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Давлат мулкни бошқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қуйидагилар учун жавобгардир:
- i. Мол-мулкни баҳолаш стандартларини, шу жумладан норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
 - ii. баҳолаш фаолиятини лицензиялаш;
 - iii. баҳоловчи мутахассисларни сертификатлаш, шунингдек уларни ўқитиш ва касбий ривожланишини ташкил этиш.
77. "Ўзбекистон баҳоловчилари жамияти" нодавлат ташкилоти баҳоловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг салоҳиятини ошириш, сўровга кўра баҳолаш натижаларини текшириш бўйича мустақил эксперт маслаҳати бериш ва бошқалар учун фойдали воситадир.
78. Ер баҳолаш ҳанузгача қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланишга қаратилган эски услубга асосланган. **ЕРДҚБ** ерларни тупроқ турлари (бонитет), иқлим, ёғингарчилик ва қишлоқ хўжалигига тегишли бошқа мезонлар нуктаи назаридан ва унинг бозор нархини ҳисобга олмаган ҳолда баҳолайди.

⁷ 1999 йил 19 августдаги "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси, 1-банди, сўнгги бор 2014 йил 14 майда ўзгартиш киритилган.

⁸ 1999 йил 19 августдаги "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-1-моддаси, 1,2, 5 бандлари, сўнгги бор 2014 йил 14 майда ўзгартиш киритилган.

е) Стандарт баҳолашдан фойдаланиш

79. Агар сублойихада назарда тутилган чоралар бирон-бир ер ёки иншоотларга ёки дарахтларга вақтинча ёки доимий таъсир кўрсатса, у ҳолда баҳоловчи компания ёлланади. Шу сабабли, лойиҳани бошида баҳолаш бўйича эксперт билан лойиҳани амалга ошириш бўйича масъул идора ўртасида шартнома тузиш таклиф этиладики, кейинчалик уни ЛАОГ ва маҳаллий ҳокимликлар амалда қўллаши мумкин. Ушбу стандартлаштирилган процедура мавжуд активларнинг тахминий ҳажми ва ҳолатига қараб турлар бўйича активлар қийматини аниқлаш учун бир қатор «қидирув» жадвалларини ўз ичига олади.
80. ИТВ томонидан КХРни яқунлаш пайтида зарар кўрган уй хўжаликлари учун компенсация ва нафақаларни баҳолашни таъминлаш учун малакали мустақил баҳоловчи компания ЛАОГ томонидан белгиланган муддатларда ёлланади ва жалб қилинади. Баҳоловчининг техник вазифаси лойиҳаси қуйидаги баённомаларда келтирилган.

и) Ишнинг мақсади ва қўлами

81. Топшириқни амалга оширишнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат: Таъсирга учраган активларни ҳисоблаш, шунингдек, амалдаги КХР/КРАМ бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва сиёсати ва Жаҳон Банкининг 4.12 АСга мувофиқ равишда фойдаланиладиган захираларни ҳисоблаш. Хусусан, баҳоловчи ЖБнинг 4.12 АСда белгилангани каби, "алмаштириш қиймати" асосида барча баҳолаш ишларини амалга оширилишини таъминлаши керак, хусусан:
82. **Алмаштириш қиймати:** Алмаштириш қиймати йўқотилган мулкни қоплашда амал қилиниши керак бўлган тамойил ҳисобланади. Ҳисоблаш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: (i) адолатли бозор қиймати; (ii) олди-сотдини расмийлаштириш харажатлари (iii) ҳисобланган фоизлар, (iv) кўчиб ўтиш ва тиклаш харажатлари; ва (v) бошқа тегишли тўловлар, агар мавжуд бўлса.
83. Бозор конъюнктураси мавжуд бўлмаган ёки шаклланиш босқичида бўлса, яқинда амалга оширилган ер битимлари, турларига кўра ер қиймати, ерга эгалик ҳуқуқи, ердан фойдаланиш, экинлар ва экинларнинг етиштирилиши, ернинг лойиҳа майдони ва минтақаси мавжудлиги ҳақида етарли маълумот ва бошқа тегишли маълумотлар олиш ЛЖШлар ва мезбон аҳолига мурожаат қилинади.
84. Агар керак бўлса, уй-жойлар, уйлар ва қурилиш материаллари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар ҳам тўпланади. Қўлга киритилган активларни баҳолаш билан малакали ва тажрибали мутахассислар шуғулланадилар. Ушбу баҳолаш усулини қўллашда иншоотлар ва активларнинг амортизацияси ҳисобга олинмаслиги керак.
85. Баҳоловчи ЛАОГларнинг ижтимоий соҳа мутахассисларининг бевосита назорати остида иш олиб боради. Баҳоловчи лойиҳа учун тайёрланган қоралама КХР қоидалари билан таништирилади ва таъсирга учраган активларни баҳолайди ҳамда қоралама КХРда белгиланган ҳақ-ҳуқуқлар асосида тегишли нафақа ва имтиёзларни ҳисоблаб чиқади. ЛАОГ ижтимоий соҳа мутахассислари иш бошланишидан олдин баҳоловчига ўқув машғулоти ўтказадилар. Баҳоловчи камида иккита баҳолаш ҳисоботи намунасини Мижоз томонидан олдиндан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади. Қуйида қўйилган топшириқ бўйича баҳоловчининг асосий вазифалари келтирилган:
- 1) ЛЖШлар иштирокида зарар кўрган активларни (бино, экинлар, дарахтлар, лойиҳа таъсирга учрайдиган бошқа қулайликлар) инвентаризация қилиш, агар уларнинг иштирокини таъминлашнинг иложи бўлмаса, ишлар маҳаллий ҳокимият вакили иштирокида амалга оширилади. Инвентаризация КХР қоидалари талаб қиладиган барча тафсилотлар (экин турлари, дарахтларнинг турлари ва ёши, қурилиш материаллари ва бошқа қулайликлар ва бошқалар) қамраб олинганини таъминлайдиган тарзда амалга оширилиши керак. Инвентаризация вақинча таъсир ҳолати учун ҳам амалга оширилади.

- 2) Инвентаризация маълумотлари Мижоз билан олдиндан келишилган формаларга киритилиши керак ва кадастр маълумотлари ва, агар мавжуд бўлса, мулкка эгалик гувоҳномаси/техник ҳужжатбилан таққослаш орқали таҳлил қилинади.
- 3) Барча маълумотлар жамланган маълумотлар базасига киритилиши керак. Маълумотлар базасининг формати Мижоз билан келишилган бўлиши керак.
- 4) Баҳоловчи ҳар бир бирлик (мулк) учун ҳар бир актив/мулк ва зарарни бир бирида аниқ ажратилган Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни якуний ҳулоса билан бирга тайёрлайди, хусусан:
 - Таъсирга учраган мулк/активларни баҳолаш (бино, экинлар, дарахтлар ва бошқа қулайликлар)
 - Бизнес ва зарар кўрган ишчилар учун компенсацияни ҳисоблаш
 - Кўчар мулкни ташиш харажатларини ҳисоблаш.
 - КХР томонидан белгиланадиган нафақаларни ҳисоблаш (кўчириш учун нафақа, жиддий таъсир, ижтимоий заифлик ва бошқалар)
 - Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган зара кўрган УХлар рўйхати мижоз томонидан берилади.
- 5) Амалдаги имтиёзлар бўйича ҳисоб-китоблар (агар мавжуд бўлса), Баҳолаш ҳисоботига киритилиши ёки мижоз билан келишилган ҳолда алоҳида Ҳисоблаш ҳисоботлари тузилиши мумкин.

ii) Ер учун компенсация

86. Ер учун компенсация, ерлари олинган ва лойиҳа мақсадларида ишлатилаётган фермерга ер, ишчи кучи ва ҳосил йўқотилишини қоплашга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун компенсация “ер эвазига ер” тамойили асосида амалга оширилади, бунда ерлар туман ҳокимияти томонидан мулклар эгаларига ЕХҚК томонидан баҳолангандан сўнг берилади. Бундай ерлар тенг қийматда/ҳосилдорликда, яқин жойда жойлашган, шунингдек ўхшаш тегишли хизматлар/объектларга эга бўлиши ёки бундай хизматлар кўрсатилиши учун компенсация берилиши керак.
87. Муқобил равишда, агар ЛЖШлар ер эвазига ер компенсациясини рад этишса, қишлоқ хўжалик учун мўлжалланган ерлари эвазига алмаштириш қийматида нақд компенсация берилади. Таъсирга учраган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳуқуқидан буткул маҳрум бўлганлик учун компенсация сўнгги 3 йилдаги ўртача даромаднинг (таъсирга учраган йиллик ҳосилга нисбатан) 4 йилига тенг бўлган миқдорда қопланади.
88. Агар ижарага олиш ҳуқуқи тўлиқ ёки қисман қисми қайтариб бўлмайдиган ҳолатларда, ер участкасининг зарар кўрмаган қисми ҳам компенсацияланади. Ўзбекистонда барча ерлари давлат мулки ҳисоблангани боис, ернинг йўқотилиши нақд пул билан қопланмайди. Экспроприация қилинган корхоналар ёки бизнес объектлари эвазига янги ер участкаси ва бино берилади ва шу орқали жабрланганларга ўз фаолиятини давом эттиришга имкон берилади.

iii) Экинлар учун компенсация

89. Таъсирга учраган ерга экилган экинлардан олинандиган йўқотиладиган даромад эвазига алмаштириш қийматида маҳсулотнинг 1 йиллик харажатлари (сарфлар) асосида нақд компенсация берилади ва бунга сўнгги 3 йилдаги ўртача даромад асосида ҳисоблаб чиқилган 1 йиллик ўртача даромадга эквивалент бўлган нафақа пули кўшилади (10-жадвал). Мевали дарахтлардан олинандиган бой берилган даромадлар сўнгги 3 йил ичидаги ўртача йиллик даромад дарахтларга сарф этилган экишдан бошлаб улар ҳосилга киришгача бўлган даврдаги

ҳаражатларни инobatга олиш учун 4га кўпайтирилган қийматда нақд пул билан қопланади. Ёғоч дарахтлари йўқотилган тақдирда компенсация қуруқ ёғоч ҳажмининг бозор қийматидан келиб чиқади. Дарахтлар учун компенсация пулидан ЛЖШларга қолдирилган ёғоч қиймати чегирилмайди.

5-ЖАДВАЛ: Экинлар учун компенсацияни намунавий ҳисоблаш методи

Компенсация қилинган предмет	Қиймат асоси	Сўм/га
Экинлар қиймати	Сўнгги 3 йилдаги ўртача даромадга қараб ҳисоблаб чиқилган 1 йиллик ўртача даромадга тенг нафақа.	
Маҳсулот ҳаражатлари	Алмаштириб берилган ерни тайёрлаш учун 1 йиллик сарф-ҳаражатлар	
Жами	Экинларнинг алмаштириш қиймати	

ё) Бино ва иморатлар учун компенсация

90. Таъсирга учраган бино ва иншоотларга қуйидаги компенсациялар берилади:
- Ушбу ҳудудда жойлашган аҳоли яшайдиган иморатлар, ҳудудлар ва объектларнинг тўлиқ компенсацияси (зарарланган мол-мулкни маҳаллий бозорлардаги тўлиқ алмаштириш қиймати)
 - ;
 - Компенсацияни ҳисоблаш белгиланган объектларнинг бозор қийматига асосланади, бунинг ичига барча тегишли тўловлар:
 - амортизация ва расмийлаштириш ҳаражатлари киради. Сақлаб қолинган материаллари учун чегирмалар олинмайди.
 - Кўчиб ўтишга ёрдам;
 - Уйни ўзлари қуришни режалаштирганлар учун 1 ойдан 24 ойгача вақтинча яшаш учун ижара ёрдам пули (ҳозирги уйидаги шароитларга тенг шароитда яшаш учун етарли бўлган ижара ҳақи)
 - Уйга туташган кичик иншоот объектларини тўлиқ қоплаш (таъсирга учраган активларни маҳаллий бозорларда тўлиқ алмаштириш қиймати); Сақлаб қолинган қурилиш материаллари учун ҳеч қандай чегирмалар олинмайди.
 - Компенсацияни ҳисоблаш ушбу объектларнинг бозордаги баҳолаш натижаларига асосланади.

6-ЖАДВАЛ: Бинолар ва иморатлар учун компенсацияни намунавий ҳисоблаш методи

Компенсация қилинган предмет	Қиймат асоси	Сўм/кв.м
Бино ва иморат	Бозор қиймати	
Кўчиб ўтишга ёрдам	Сақлаб қолинган материалларни кўчириш	
Ижара ёрдами	24 ойгача ижара ҳақи	
Жами	Бино ва иморатларнинг алмаштириш қиймати	

ж) Аҳоли ресурсларини қайта қуриш ва/ёки тиклаш.

91. Маҳаллий жамоанинг ижтимоий инфраструктурасига етказилган ҳар қандай таъсир лойиҳадан аввалги ҳолатга тикланади. Пудратчи маҳаллий ҳамжамиятга ёки маъсул идорага бирон-бир таъсирга учраган ижтимоий инфратузилмани тиклаб беради.

з) Ёғоч ва мевали дарахтлар учун компенсация

92. Ёғоч дарахтлари йўқотилган тақдирда компенсация қуруқ ёғоч ҳажмининг бозор қийматидан келиб чиқади. Дарахтлар учун компенсация пулидан ЛЖШларга қолдирилган ёғоч қиймати чегирилмайди. Мевали дарахтлар сўнгги 3 йил ичидаги ўртача йиллик даромад дарахтларга

сарф этилган экишдан бошлаб улар ҳосилга киришгача бўлган даврдаги харажатларни инобатга олиш учун 4га кўпайтирилган ҳолда алмаштириш қийматида нақд пул билан қопланади. Ҳали ҳосилга кирмаган мевали дарахтлар алмаштириш қийматида 1 йиллик соф даромадга тенг миқдорда компенсация қилинади. Сметада маслаҳатлашув орқали олинган таъсирга учраган УХларнинг фикри, баҳоловчилар ва бошқа алоқадор идоралардан олинган маълумотлар ҳисобга олинган. Алмаштириш қийматини чиқаришда мевали дарахтлардан олинган ўртача йиллик даромад ва ҳар бир мевали дарахт учун сарфланган харажатлар ҳисобга олинади.

7-ЖАДВАЛ: Ёғоч дарахтлар учун компенсацияни намунавий ҳисоблаш методи

Компенсация қилинган предмет	Қиймат асоси	Сўм/га
Ёғоч дарахт	Бозор қиймати	
Жами	Ёғоч дарахтнинг алмаштириш қиймати	

8-ЖАДВАЛ: Мевали дарахтлар учун компенсацияни намунавий ҳисоблаш методи

Компенсация қилинган предмет	Қиймат асоси	Сўм/га
Мевали дарахт	сўнги уч йилдаги ўртача йиллик соф даромад 4га (йил) кўпайтирилади	
Сарф-харажатлар	Дарахтларнинг бозордаги нархи	
Жами	Мевали дарахтнинг алмаштириш қиймати	

93. Таъсирга учраган экинлар ва дарахтларни баҳолаш уларнинг бозор қиймати ва ЖБнинг 4.12 АС ҳамда **146-сон** Қарорнинг қоидаларига кўра

И) Ижтимоий заиф гуруҳлар учун компенсация

94. Ижтимоий заиф УХ, шу жумладан аёл киши бошчилигидаги УХлар, кам даромадли УХлар, қаровсиз қария бошчилигидаги УХ ва жисмоний имконияти чекланган шахслар бошчилигидаги УХлар Маҳалла томонидан берилган далилларга кўра бир марталик энг кам иш ҳақининг 3 ойлигига тенг қўшимча нафақа билан таъминланади. Бундан ташқари, лойиҳа орқали иш билан таъминлашда ижтимоий заиф УХлар аъзоларига устиворлик берилади. Маҳаллалар ва туман хокимиятлар жамоалардаги барча УХларни рўйхатга олишда ва заиф УХларни аниқлаш ва тасдиқлашда қатнашадилар. Ижтимоий заиф гуруҳ деб топилган ноқонуний эгаллаб олувчиларга таъсирга учраган бино ва иморатларининг алмаштириш қийматида компенсация берилади.

К) Компенсация усули

95. Якка тартибда ва УХга компенсация нақд, натура ва/ёки ёрдам кўрсатиш шаклида бўлади. Компенсация турини ҳар ким ўзи танлайди. Қўйидаги жадвалда компенсация шакллари кўрсатилган.

9-ЖАДВАЛ: Компенсация шакллари

Нақд пул тўловлари	Компенсация Ўзбекистон сўмида ҳисобланади. Ставкалар инфляцияга қараб белгиланади.
Натура билан компенсация	Компенсация ер, уй ёки бинолар, қурилиш материаллари, кўчатлар, қишлоқ хўжалик ресурслари ва асбоб-ускуналар учун молиявий

	кредитлардан ташкил топиши мумкин.
Ёрдам бериш	Ёрдам бир марталик тўлов, кўчиш пули, ташиш ва ишчи кучи, машғулотни ўз ичига олади.

96. Инфляция, хавфсизлик ва вақтни танлаш каби молиявий масалалар ҳисобга олиниши керак. Натура билан компенсация мақсадларидан бири - бу товарлар ва хизматларга бўлган инфляция босимини пасайтиришдир. Маҳаллий даражада инфляция кузатилиши мумкин, шу боис бозордаги нархлар компенсация қийматларини ўзгартириб туриш учун компенсация бериладган вақт мобайнида кузатиб борилади. Хавфсизлик масаласи, айниқса нақд компенсация тўловларини оладиган одамлар учун, маҳаллий маъмурият томонидан ҳал қилиниши керак. Маҳаллий банклар ва микромолиялаштириш муассасалари ўзларининг имкониятларидан фойдаланишни рағбатлантириш учун шу даражадаги маҳаллий ҳокимият билан яқин ҳамкорлик қилишлари керак, бу эса маҳаллий иқтисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Натура шаклида компенсацияларни тўлаш вақти ва жойи ҳар бир олувчи томонидан ЕХҚК билан келишилган ҳолда белгиланади. Мурожаатчилар малака ва кўникмалар жиҳатидан ҳақлилик талабларига жавоб беришлари керак.

Л) Компенсацияни тўлаш тартиби

97. Компенсация тўловлари лойиҳа мақсадларида ердан фойдаланиш, мулк йўқотилиши ёки жисмоний кўчишдан олдин амалга оширилади. Тўловларни таъсирга учраган аҳоли янги жойларга кўчиш учун ишлатадиган ҳоллар бундан мустасно. Экспроприация даъволари бўйича тўловлар учун умумий жавобгарлик Вазирлар Маҳкамасига юклатилган. Вазирлар Маҳкамаси экспроприация тўғрисида қарор қабул қилиш ва зарур маблағларга рухсат бериш учун жавобгардир. Эгалик қилинаётган мулкда бирон-бир иш фаолиятини ижро этишдан аввал ерни олиш жараёни тўла ниҳоясига етказилиши ва тўлов амалга оширилиши керак. Ҳар бир ЛЖШ эгаси томонидан экспроприация мақсадида очилган банк ҳисоб рақамига киритиладиган компенсация олади. Бун пуллар ВМҚ билан тасдиқланади ва маблағлар ҳар бир ЛЖШ(лар)нинг банк ҳисоб рақамларига улар тақдим этган банк ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади. Банк ҳар бир ЛЖШни алоҳида тартибда ҳисоб рақамига компенсация ўтказилгани ҳақида хабар қилади. Ҳисоб рақамини очиш ва уни юритиш билан боғлиқ ҳар қандай харажат ҚҚИРЛ томонидан қопланади ва ҳар бир ЛЖШ учун банк хизмати бепул кўрсатилади. Тўловни ўтказиш Экспроприация тўғрисида қарор расмий газетада эълон қилингандан кейин амалга оширилади. Экспроприация тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (ВМҚ) дарҳол билан кучга киради ва расмий газетада эълон қилинади. Агар судга мурожаат қилинса, келишувга эришилмаган тақдирда, агар тўланадиган компенсация ҳукумат ва ер эгаси ўртасида келишилмаган бўлса, бундай компенсация суд томонидан белгиланади. Бундай шароитда, шахс банкдан пул олади, аммо суд қарорига кўра у қўшимча нафақа олиш ҳуқуқига эга.

6. КХРларни СКРИНИНГЛАШ, ТАЙЁРЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ ЖАРАЁНИ ва РЕПУТАЦИОН РИСКЛАР

6.1) Истиснолар рўйхати

98. Лойиҳада доирасида доимий жисмоний кўчиб кетишга сабаб бўладиган ҳеч бир фаолият (ерлар/иншоотлар олинishi натижасида) молиялаштирилмаслиги келишиб олинган. Шунинг учун, бу скрининг жараёнининг биринчи даражасини ташкил қилади. Ҳеч қандай жисмоний жой ўзгартириш юзага келмаслиги аниқлангандан сўнг, лойиҳа эҳтимолий таъсирни ва қабул қилиниши керак бўлган ҳужжатларни аниқлашга ўтади. Ундан кейин, ҚИРЛни ҳар қандай репутацион рисклардан ҳимоя қилиш учун, мамлакатнинг асосий Обод Қишлоқ дастурига киритилган қишлоқларда ҚИРЛ амалга оширилмайди.

а) Мажбурий кўчириш учун скрининг

99. Скрининг - бу эҳтимолий мажбурий кўчиришни аниқлаш учун ўтказиладиган мажбурий процедурадир. Скрининг мақсади - амалга ошириладиган мажбурий кўчиришнинг тегишли кўлами ва турини аниқлашдир. Ҳар бир сублойиҳа унинг ижтимоий оқибатларини аниқлаш мақсадида назарда тутилган қулайликларга эришиш учун тузилган режалар асосида скрининг қилинади. Скрининг давомида фермер хўжаликлари ерлари ва аҳоли пунктлари жойлашган участкалар аниқланади ва улар турлича ишлов беришни талаб этади, шу сабаб ижтимоий оқибатларни минималлаштириш учун режага мослашиш, кесиб ўтиш/айланиб ўтиш каби мос ўзгартиришлар киритиш таклиф қилиниши керак. Кейинчалик скрининг амалиёти, молиялаш манбаидан қатъий назар, салбий экологик ва ижтимоий оқибатга ва мажбурий кўчиришга олиб келадиган барча жиҳатларни аниқлаши керак, лойиҳа ҳужжатларида белгиланган лойиҳа мақсадларига эришиш учун зарур бўлган, лойиҳа билан бир вақтда амалга оширилган ёки амалга оширилган режалаштирилган барча тадбирлардан бошлаб. Ижтимоий скрининг жараёни умуман скрининг жараёнининг содда ва қисқа бўлишини таъминлашга хизмат қилади. ҚИРЛ доирасидаги ҳар бир фаолияти бўйича ташқи консультантлар ва ЛАОГнинг Ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича мутахассиси (ИХМ) долзарб деб топган муайян саволлар киритилиши мумкин. Кўчириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа ишлари рўйхати таъсирга учрайдиган жамоалар билан кенг қамровли сенсбилизация ва консультация жараёнидан ўтказилади ва ушбу жараён натижалари ҳар бир сублойиҳа бўйича расмийлаштирилади. Сўнгра рўйхатдаги ҳар бир жой/лойиҳа иш фаолияти бўйича консультацион жараён ва унинг натижаси тасдиқлаш, маъқуллаш, рад этиш, консультацияни давомини топшириш ва/ёки ҳар бир таклиф қилинадиган жой/лойиҳа иш фаолияти бўйича якуний қарор қабул қилиш ваколатидаги тегишли ижро этувчи идораларга юборилади. Скрининг жараёнини шу тарзда ўтказиш барча манфаатдор томонларнинг ушбу жараёнга ишонч билдириши учун зарур бўлган тугаллик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган.

100. Кўчириш билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоси бўлмаган ва Жаҳон банкнинг 4.12-АСни ижросини талаб қилмайдиган лойиҳа доирасидаги фаолиятларига нисбатан КРАМ қоидалари/АМИМЧБАМнинг ижтимоий қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда Атроф-муҳит ва ижтимоий муҳофаза чораларини бошқаришнинг асосий модели (АМИМЧБАМ) доирасида атроф-муҳит масаласини кўриб чиқишга ўтилади.

101. Сублойиҳаларда мажбурий кўчириш оқибатларни скрининглаш ва тоифалаш ЛАОГ/ЛВМГ томонидан ё ўзининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси ва бошқа тегишли ходимлар ёки агар бундай кўникмалар бўлмаса, ташқи консультантлар ёрдамида амалга оширилади. Ижтимоий скрининг ҳисоботи консультант ёки ЛАОГ/ЛВМГнинг ИХМ томонидан тайёрланади ва Ижро Этувчи Идоранинг ваколатли ходими ва ЛАОГ раҳбари томонидан маъқуллаш мақсадида кўриб чиқилади. Пировардида ИХМ ва ЛАОГ раҳбари таклиф этилаётган сублойиҳанининг ижтимоий скринингини ва уни ижтимоий ҳимоя бўйича тоифаланишини маъқуллайдилар.

102. Сублойиха скринингидан лойиха доирасида таклиф этилаётган иш фаолиятларига алоқадор оқибатларнинг турлари ва хусусиятларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш учун фойдаланилади. Қайта кўчириш билан боғлиқ муаммоларни скрининглаш, - бу МИБМда батафсил кўрсатиб ўтилганидек, экологик ва ижтимоий скрининг таркибига киради. Кўчириш чора-тадбирлари ЛЖШларга қуйидагиларни таъминлайди:
- уларнинг кўчиришга оид танлов вариантлари ва ҳуқуқлари тўғрисида маълумот бериш;
 - Консултация жараёнига қўшиш ва техник ва иқтисодий жиҳатдан мақбул алтернативаларни танлашда қатнашиш имкониятини бериш;
 - Сублойиха(лар) сабабли активларни йўқотиш ва улардан айрилиш эвазига тўла алмаштириш қийматида дарҳол ва самарали компенсация билан таъминлаш
103. Кўчиришга сабаб бўлиши кутилмаган лойиҳалар учун, ва агар активларнинг йўқотилиши аҳамиятсиз даражада оз бўлса, у ҳолда бундай маълумотлар сублойиха ариза формасида КХР тузиш талабини бекор қилиш мурожжати билан бирга кўрсатилади.

Б) Скрининг назорат рўйхати

104. Скрининг назорат рўйхати шакли Лойиҳани амалга ошириш қўлланмаси таркибига киритилади. Назорат рўйхати ЛАОГ/ЛВМГнинг ИХМ томонидан ёки ташқи консултантлар томонидан тўлдирилиб, қарор қабул қилиниши учун ЛАОГга тақдим этилади. Скрининг натижаларига кўра тегишли ижтимоий ҳимоя воситалари ишлаб чиқилади.
- Турар-жой биноларига киришга, мавжуд мулкларни яхшилашга таъсир кўрсатувчи оқибатларга олиб келадиган сублойиҳалар бўйича қурилиш салбий оқибатларни минималлаштириш учун қабул қилинган тартиб-қоидалар ҳақида тушунча берадиган **Комплекс Текширув Ҳисоботи (КТХ)** тайёрланади.
 - **Кўчириш Ҳаракат Режаси (КХР)**, агар 200 ва ундан ортиқ киши таъсирга учраса.
 - **Қисқартирилган Кўчириш Ҳаракат Режаси (ҚКХР)** 200 кишидан кам, аммо жисмонан бошқа жойга кўчирилмаган ва/ёки ишлаб чиқариш активларининг 10 %ни йўқотган шахсларга таъсир этадиган сублойиҳалар инвестициялари учун тузилади. ҚКХР ҳақида батафсил тушунча ушбу КРАМга бириктирилган 5-иловада келтирилган.
105. **АМИМЧБМ** «ерлар» билан боғлиқ бўлмаган, бироқ инклюзия, тенглик, шаффофлик, ҳисобдорлик, меҳнат, сифат назорати ва қурилиш кечикишларига тааллуқли муаммоларни ҳал этиш учун экологик ва ижтимоий **ҳимоя воситаси** бўлиб хизмат қилади.

В) Даствлабки ва ижтимоий-иқтисодий маълумотлар

106. Ижтимоий-иқтисодий сўров: Таъсирга учраган шахслар бўйича дастлабки намунавий ижтимоий-иқтисодий сўров ўтказишдан мақсад - мониторинг ва баҳолаш параметрларини белгилаб олишдир. Ундан кўчирилганларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кузатиш учун мезон сифатида фойдаланилади. Тадқиқот барча таъсирга учраган кўчган шахсларни қамраб олади ва тадқиқот, шунингдек, кўчириш жараёнида гендер муаммоларини ҳал қилиш учун жинс кесимидаги маълумотларни тўплайди.
107. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотни амалга оширишда турмуш даражаси, активлар инвентаризацияси, даромад манбалари, қарздорлик даражаси, оила аъзолари ҳолати, соғлиқни сақлаш ва санитария шароитлари, хизматлардан ва фойдаланиш имкониятлари ҳамда кўчирилиши мумкин бўлган барча уй хўжаликлари учун лойиҳадан кутилган имтиёзлар ва таъсирлар ҳамда кўчиш афзалликлари мавжудлигини тафсилотларини ўз ичига олган тизимли сўровномадан фойдаланилади. Ушбу маълумот аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари билан бир қаторда салбий таъсирни камайтириш учун кўчириш режасини тузишга ёрдам беради.
108. Жабрланган гуруҳлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг нуқтаи назари ва нимани афзал кўришларини аниқлаш учун ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар доирасида улар билан

кенг доирада маслаҳатлашувлар ўтказилади. Ушбу маслаҳатлашувлар натижаларига кўра, агар керак бўлса, лойиҳа шаклига ўзгартишлар ва таъсирни юмшатувчи чоралар киритилади. Маслаҳатлашувлар аёлларни ўз ичига олади ва уларни хавотирга солувчи масалалар ва лойиҳага бўлган муносабати мос равишда таъсирни юмшатиш бўйича режа ёрдамида ҳал қилинади.

109. Кўчириш режаси: Кўчириш режаси хатлов ва ижтимоий-иқтисодий тадқиқот ва маслаҳатлашувлар натижалари асосида тайёрланади. У кўчган шахсларни хатлов натижалари ва зиёни тиклаш ҳуқуқи, кўчган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, институционал механизмлар ва ижро жадваллари, бюджетлар, даромадларни тиклашнинг мумкин бўлган механизмларини баҳолаш, кўчириш жойларини ва қайта жойлашувни ривожлантириш, шикоятларни кўриб чиқиш механизми, лойиҳа бажарилишини қурилиш харидлари ва қурилиш жадваллари билан мувофиқлаштириш ҳамда ички ва ташқи мониторинг механизмларини ўз ичига олади. Кўчириш режаси 5-иловада келтирилган тартибда тузилган бўлиши керак ва таъсирларнинг катталигига ва хусусиятларига қараб батафсил равишда ёритилиши керак. Таъсирлар ва уларни юмшатиш чоралари иш фаолияти доирасидаги харидлар ва қурилиш жадваллари билан мувофиқлаштириш мақсадида қишлоқ/фаолият турларига кўра тақдим этилади.
110. Шундай қилиб, ЛЖШлар тегишли ижтимоий-иқтисодий ва хатлов дастлабки маълумотлари асосида белгиланади. Бу - муайян сублойиҳа доирасида кўчириладиган шахсларни аниқлаш, қимматлар компенсация ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаш ҳамда ушбу имтиёزلардан фойдалишга ҳақли бўлмаган аҳолини кириб келишини олдини олиш учун маълумот манбаидир. Хатловга асосланиб, қуйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:
- 1) Кўчириш қўлами тўғрисида дастлабки маълумотлар тақдим этиш;
 - 2) компенсацияланадиган зиёни рақамларга ўгириш учун керакли кейинги ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларни кўрсатиш ва ва зарур ҳолларда ривожланиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш;
 - 3) кейинроқ мониторинг ва баҳолаш вақтида ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичларни белгилаш.
111. КХР сублойиҳанинг учун дастлабки маълумотлар ичига бир қатор шахсларни; таъсирга учрайдиган уйнинг сони, тури ва майдони; таъсирга учрайдиган турар-жой участкаларининг ва қишлоқ хўжалиги ерларининг сони, тоифаси ва майдони; таъсирга учрайдиган ишлаб чиқариш активларининг умумий ишлаб чиқариш активларига нисбатан фоизи киради. Ер ресурслари ва давлат кадастри департаменти маълумотларига асосланиб, Кўчириш масаллари бўйича маслаҳатчи ёки Компания ушбу маълумотларни кўриб чиқиш асосида КХР қўламини белгилайди.

Г) КХР/ҚКХР суб лойиҳасини тузиш

112. Кўчириш оқибатлари Жиддий (1-тоифа) деб таснифланган, яъни, тахминан 200 ёки ундан ортиқ одамлар катта таъсирга учраган, ёки уларнинг ҳосилдор (даромад келтирувчи) активларининг 10% ёки ундан кўп қисми йўқотиладиган тақдирда, Тўлиқ қамровли КХР тузилади.
113. Кўчириш оқибатлари Нисбатан жиддий (2-тоифа) деб таснифланса, яъни 200 дан кам одам таъсирга учраган ёки уларнинг ҳосилдор (даромад келтирадиган) активларининг 10% дан кам қисми йўқотиладиган тақдирда Қисқартирилган КХР тузилади. ҚКХР/КХРлар мажбурий кўчириш ва/ёки ерни олиш учун аниқланган сублойиҳалар бўйича ЛАОГнинг ИХМ томонидан, иложи бўлса, консалтинг хизмати кўрсатувчилари ёки кўчма кенгайтма гуруҳлар кўмаги билан тузилади. ҚКХР/КХРлар талаб қилинса, ЛАОГ тугалланган тадқиқотларни КХРнинг сублойиҳаси бўйича аризаси билан бирга Кўчириш комиссиясига баҳолаш учун ва кейин Жаҳон банкига топширади.
114. ЕХҚК томонидан маъқуллангач, сублойиҳалар бўйича қурилиш ишлари учун маблағлар ажратилгунга қадар КХРнинг компенсация, кўчириш ва реабилитация ишлари

қониқарли равишда яқунланади ва ҳамжамият томонидан тасдиқланади. Лойиҳа учун мослаштирилган ушбу КҲРлар КРАМда келтирилган тамойилларга мос бўлиши керак. Ҳар бир сублойиҳа бўйича тузилган ИТВ ва КҲР Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Жаҳон банки томонидан уларнинг Жаҳон Банкнинг 4.12 АСга мос равишда тузилганига ишонч ҳосил қилиш учун кўриб чиқилади. КҲРлар қурилиш ишлар бўйича таклифлар қабул қилинишидан олдин ИТВ томонидан тасдиқланиши ҳамда ИТВ ва Жаҳон Банки порталларида эълон қилиниши керак. Компенсация тўловлари ва имтиёزلарни тўлаш ишлари бошқа кўчиришдан олдин ва қурилиш ишлари бўйича пудратчиларга топширилгунга қадар амалга оширилади.

7. АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

а) Муассасавий чора-тадбирлар - Рол ва жавобгарлик матрицаси, сублойхаларни тузиш ва кўриб чиқиш

і. Лойиҳани мувофиқлаштириш

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (ИТВ) Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаси амалга оширувчи агентлик этиб тайинланган.

115. ИТВ лойиҳа бўйича техник-иқтисодий асосларни назорат қилиш ва тасдиқлаш учун жавобгардир. 2019 йил май ойида Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасини (ҚИРЛ) тайёрлаш учун ИТВда лойиҳани республика даражасида мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) ташкил этилган.

і. Лойиҳани Амалга Ошириш Гуруҳи

116. ЛАОГ мажбуриятлари лойиҳани тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни, шу жумладан **АМИМЧБАМ**ни, харид қилиш стратегияси ва режасини ва бошқа ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. ЛАОГни ўз ходимлар штатига эга директор бошқаради. ЛАОГ КХР амалга оширилиши, ИТВ ҳамда ЖБга ижтимоий ҳимояни таъминлаш масалалари бўйича ҳисобот бериш, шунингдек ижтимоий ҳимоя талабларни тендер ва ва контракт ҳужжатларига киритилишини мувофиқлаштириш устидан умумий назорат олиб боради. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро алоқада бўлиш, ижтимоий ҳимояга алоқадор ҳужжатларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун ҳам ЛАОГ масъулдир ва ЛАОГ қутилмаган дала ташрифлари амалга оширади ва экологик назорат ва мониторингни олиб боради, жойларни экологик меъёрларга мослигини баҳолайди, Лойиҳани Вилоятлардаги Мувофиқлаштирувчи Гуруҳларга (ЛВМГ) экологик ва ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан маслаҳат беради. ЛАОГ, шунингдек КХРни амалга оширишда иштирок этган барча томонларнинг ИО ўқув эҳтиёжларини аниқлаш учун масъулдир. ЛАОГ Кўчириш жараёнини (КХР/ҚКХР) муваффақиятли амалга ошириш учун барча маҳаллий институтлар билан ҳамкорлик қилади.

і. Лойиҳани Вилоятлардаги Мувофиқлаштирувчи Гуруҳлар

117. Лойиҳа маҳаллий даражада тегишли туман ва вилоят ҳокимиятлари билан яқиндан ишлайдиган ЛВМГлар орқали амалга оширилиши назарда тутилган. Ушбу босқичда ЛВМГни ташкил этилиши билан боғлиқ масалалар ИТВ ва Жаҳон банки ўртасида муҳокама қилинмоқда.
118. ЛВМГ фаолиятининг самарали ва изчил бўлиши учун 14 та туман ҳокимиятларидан иборат Туман лойиҳа қўмитаси, ишни мувофиқлаштириш учун тузилади. ЛВМГ таркибига Жаҳон банкининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича мутахассиси (ИХМ) киради ва унинг вазифасига лойиҳа доирасидаги ишлар ЖБ ижтимоий ҳимоя бўйича фаолият принципларига ҳамда миллий ИО тартиб-қоидаларига мувофиқ равишда амалга оширилишини таъминлашдан иборат бўлади. ЛВМГнинг ХБМ асосий вазифалари қаторига қуйидагилар киради:
- а) пудратчиларнинг АМИБР талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
 - б) шаҳар ва туман миқёсидаги барча экологик ва ижтимоий масалаларни мувофиқлаштириш;
 - с) АМИБРнинг экологик ва ижтимоий таъсирларни ва таъсирни юмшатиш чораларини самарадорлигини назорат қилиш ва мониторингини ўтказиш, баҳолаш, шунингдек, номувофиқликни ёки натижадаги салбий тенденцияларни аниқлаш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш учун дастурлар ишлаб чиқиш;
 - д) зарур бўлса, КХРни амалга оширишда пудратчиларга маслаҳат ва консултация бериш; ва
 - е) Кўчириш тартибининг бажарилиши тўғрисида ЛАОГга ҳисобот бериш.
119. ЛАОГ/ЛВМГ/ИХМ маҳаллий ҳамжамиятлар билан алоқа ўрнатишда кўмакдош ҳамкорлар (КХ) (НТлар/ФЖлар) хизматларидан фойдаланади.

i. Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси (ЕРДКБ)

120. Лойиҳага кирган ҳар бир туманда мулкни ва мулкка оид чегараларни аниқлаш ва текшириш учун ЕРДКБ жавобгардир. ЕРДКБ расмий рўйхатдан ўтган ва Кўчмас мулкни рўйхатга олиш идораларига ўтказилган кишлок хўжалиги ер участкаларини бериш ҳақидаги гувоҳномаларга аниқлик киритади.

i. Маҳаллий ҳокимиятлар

121. Туман ҳокимиятлари ва маҳаллий ҳамжамиятлар (маҳаллалар) лойиҳани амалга оширишнинг якуний бенефициарлари ҳисобланади. Улардан лойиҳанинг бутун жараёни давомида доимий ёрдам ва иштирок этиш талаб этилади. Улар вазирлик ва ИТВ/ЛАОГ билан биргаликда амалга ошириладиган процедураларни мувофиқлаштириш ва компенсацияларни тўлаш учун жавобгардир.

122. 18-жадвалда тегишли муассасавий чора-тадбирлар келтирилган. Жадвалда амалга оширилиши керак бўлган Кўчириш Ҳаракат Режаси босқичлари (агар мавжуд бўлса) батафсил тавсифланган.

10-ЖАДВАЛ: Кўчириш ва/ёки ер участкасини олиб қўйиш тартибини амалга ошириш учун муассасавий чора-тадбирлар

Қадамлар	Муассасалар	Мажбуриятлар тавсифи	Изоҳлар
1-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ), КҲ	КҲРлар идентификацияси, очиқ маълумот, КҲР қийматини ҳисоблаш	Лойиҳанинг КҲРга таъсири, эҳтиёжи тўғрисида маълумот, баҳолаш, ва ЛЖШлар тасдиқлаш
2-қадам	Туман ҳокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ) билан маслаҳатлашуви	Қурилиш бошқармалари ва Ерни рўйхатга олиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман бошқармаларига сўров юбориш	Тегишли ҳулосалар ва бошқа маълумотларни (сўров юборилгандан 5 иш куни ичида) олиш учун
3-қадам	Туман ҳокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ) билан маслаҳатлашуви	Зарар етказилган мулк эгаларига тўланадиган тўлов дастлабки миқдорини белгилаш	Тегишли ҳулосалар ва бошқа маълумотларни олгандан санадан сўнг 5 иш куни ичида
4-қадам	Туман ҳокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ) билан маслаҳатлашуви	Жисмоний ва юридик шахслар/хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш учун Марказлаштирилган Фонднинг Кузатув кенгаши ва Ҳалқ депутатлари кенгашидан тасдиқ олиш	Ерни сотиб олиш бўйича ҳаражатлар рентабеллигини таҳлил қилиш учун
5-қадам	Ҳалқ дерутатлари кенгашининг ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ) билан маслаҳатлашуви	КҲР ва ҳокимият ўртасидаги очиқ музокараларни ўтказиш учун фармон чиқаради	Очиқ музокаралар ОАВ иштирокида ўтказилиши шарт; мазкур учрашув протокол матни очиқ эълон қилиниши зарур
6-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИҲМ, АМИҲМ), КҲ	КҲР маслаҳатлашуви	Зарар етказиладиган мол-мулк тўғрисида тушунтириш, товон

			тўлашнинг энг яхши усулини аниқлаш, товон пули даврини тушунтириш, амалга ошириш жараенининг асосий иштирокчилари, амалга ошириладиган процедуралар ва шикоятларга бўлган ҳақ-хукуқлар
7-қадам	Халқ дерутатлари кенгашининг ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) билан маслаҳатлашуви	Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер сотиб олиш тўғрисида фармон чиқаради.	Мазкур фармон очик эълон қилиниши керак
8-қадам	Туман хокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) билан маслаҳатлашуви	Хокимият ва мулк эгаси икки томонлама келишув имзолайдилар	Белгиланган тартибда нотариал тасдиқланади ва хокимиятда рўйхатдан ўтказилади. Товон пули миқдори, тури ва тўлов даври Келишувда акс этиши керак. Келишувга имзо чеккан мулк эгаси ерни сотиб олиш ва ер майдонида жойлашган кўчмас мулни бузишга ўз розилигини берган деб ҳисобланади.
9-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ), КХ	Якуний КХР ҳисоботини тайёрлаш	ЖБ ва Молия вазирлигининг шарҳларини ҳисобга олган ҳолда КХР ҳисоботини тайёрлаш
10-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ), ЖБ, ИТВ	КХРларни кўриб чиқиш учун Жаҳон банки Амалга ошириш гуруҳига юбориш ва амалга оширишдан аввал тасдиқлаш. Якуний ҳисоботни тасдиқлаш	Жаҳон банки мутахассисларининг КХР учун ҳеч қандай эътирози йўқ. КХР ҳисоботини расмийлаштириш ва шу жумладан ЛАОҚсидаги амалга ошириш жараёнини киритган ҳолда
11-қадам	ЛЖШлар	Банк ҳисобварағини очиш ва бу ҳақда ИТВга ҳисоб бериш.	Товон пули тўлови жараёнини институционал қўллаб-қувватлаш
12-қадам	Туман хокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) ва ИТВ билан маслаҳатлашуви	Қурилиш ишлари бошланишидан аввал товон пули тўланади	Томонларнинг келишуви асосида мол-мулк эгасига кўчмас мулкнинг баҳоланган қийматини ҳисобга олган ҳолда бир неча кўринишдаги товон пули тўланиши мумкин.
13-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ), КХ	Шикоятларни кўриб чиқиш қўмитасини яратиш	Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича қўмита расмийлаштириш ва ЛЖШга маҳсус алоқа ўрнатиш керак.
14-қадам	Туман	Олинган ер участкасида	Қарор адлия идоралари

	хокимлигининг ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) билан маслаҳатлашуви	кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисида қарор чиқаради	томонидан расмийлаштирилиши ва очикланиши керак.
15-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) / Шикоятларни кўриб чиқиш қўмитаси)	Агар зарур бўлса, маъмурий органларнинг шикоятларни кўриб чиқиш жараёни бўйича ЛЖШларнинг қўмағи, КХР жараёни, товон пули қиймати, ва ҳ.к. ва Судда шикоятлар бўйича ЛЖШнинг қўллаши	Агар ЛЖШларда шикоятлар келиб тушса
16-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) ва/ёки Шикоятларни кўриб чиқиш қўмитаси	Жараёни амалга оширишда ҳар иккала манфаатдор томоннинг барча даъволарини кўриб чиққанлигига ишонч ҳосил қилиш.	Товон пули манфаатдорлар томонидан имзоланган келишув (миқдори ва вақти)га асосан амалга оширилиши керак.
17-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ)	КХРни амалга ошириш бўйича якуний ҳисобот тайерлаш	Лойиҳа бошланишидан аввал товон пуллари тўлаш жараёни тугагани инобатга олиш
18-қадам	ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ), ЛЖШ	Манфаатдор томонлар талаби ва ВМҚга асосан маълумотларни очиклаш жараёни вазифаси	КХР тугаганлигини ва товон пули тўланганлиги тасдиқловчи ҳужжат имзоланишини таъминлаш. Мазкур ҳужжат олинган ерлар сублойиҳаларни амалга ошириш даврида ЛАОГга тегишлилигини тасдиқлайди.

123. Амалга ошириладиган КХРнинг техник дизайнидан келиб чиқиб, техник шартлар ЛАОГ (АМММ, ИХМ, АМИХМ) томонидан лойиҳа ишлари ривожига мос равишда янгилашни керак. Лойиҳа фаолияти ва бошқа жойга кўчиришнинг дастлабки боғлиқлиги 6-Иловада келтирилган.

124. ЛЖШларга уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тўғрисида маълумот берилиши жуда муҳим, бунда улар аниқлик киритилиши зарур бўлган масалаларни муҳокама қилишлари мумкин. Нақд компенсация миқдори ва компенсация учун таклиф қилинадиган ернинг ҳажми ҳақидаги барча маълумотлар ҳар бир маъқулланган ЛЖШга кўриб чиқиш ва нақд пул тўлаш ёки ер компенсацияси таъсир кўрсатилишидан олдин тасдиқлаш учун тақдим этилиши керак. Шикоятларни кўриб чиқиш учун тақриз қўмитаси тузилади.

б) Муҳокамалар

125. Жамоатчилик муҳокамаси маслаҳатлари КХРни амалга оширишнинг муҳим қисмидир. ЛАОГ/ИТВ ҳар бир сублойиҳа таъсирига учраган мақсадли гуруҳлар билан уларни кўчиришдан аввал маслаҳатлашувлар амалга ошириш ва янги жойга оид КХРни тугаллашдан олдин режалаш босқичида ЛЖШни жалб қилиш учун масъулдир. Очик

муҳокамаларидан мақсад ушбу лойиҳа таъсирга учраган аҳолига маълумот етказишдир. Лойиҳанинг муваффақияти ва унинг барқарорлиги учун ЛЖШларга сублойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий экологик ва ижтимоий муаммолар ҳақида ўз фикрларини билдириш имкониятини тақдим этиш муҳимдир. Жамоатчилик муҳокамаси натижасида кўтарилган ҳар қандай қонуний масалани ҳисобга олиш керак, КХРга киритилиши ва сублойиҳани амалга оширишда акс эттириш лозим.

126. Жаҳон банкининг аввалги лойиҳаларининг энг яхши амалиёти лойиҳани амалга ошириш жойларида ўтказилган йиғилишларда *"маълумотларнинг икки томонлама оқими"* ёндашувининг самарадор эканини кўрсатмоқда, бунда ЛАОГ ўз фаолиятини маҳаллий ҳамжамиятлар тавсифлаб беришади ва маҳаллий ҳамжамиятлар бунга жавобан ўзларининг саволларини берадилар ва ташвишларини билдирадилар. Жамоат муҳокамаси натижаларини хужжатлаштириш ва уларни КХРларга киритиш талаб этилади.
127. КХРнинг асосий мақсадларига эришиш, ҳамкорлик, иштирок этиш ва ўзаро фикр алмашиш ҳамда жараённинг шаффофлигини таъминлаш учун ЛЖШлар кўчириш режасини тузиш чоғида тизимли равишда уларнинг танлови, ҳақ-хукуки, бир қатор муқобил кўчиш вариантлари орасидан танлаш имконияти ҳақида хабардор қилиниб, улар билан маслаҳатлашиш керак. Ижтимоий заиф гуруҳларга уларнинг бундай чора-тадбирларда муносиб иштирокини таъминлаш учун алоҳида эътибор берилиши керак.
128. Муваффақиятли кўчириш масъулиятни ўз вақтида маъмурий идоралардан кўчган шахсларнинг ўзларига топширишни талаб қилади. Акс ҳолда, боқимандалик муносабатлари вужудга келиши ва идора ресурслари доимий назорат қилинадиган чекланган миқдордаги схемаларга боғланиб қолиши мумкин. Маҳаллий раҳбарият экологик бошқарув ва инфратузилмани сақлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга даъват қилиниши керак. **ЛЖШларнинг иштирокида** ўтказилган барча **очиқ** муҳокамалар қуйидагича таснифланиши мумкин:
1. Режалаштириш босқичида, яъни техник лойиҳалар ишлаб чиқиш жараёнида ва ерни танлаш/скрининг босқичида компенсация жараёни бошланади.
 2. Кўчириш бўйича қўмиталар, аҳоли етакчилари ва вакиллари билан биргаликда ўз аъзоларини белгиланган якуний сана ва унинг аҳамияти тўғрисида хабардор қилишга масъулдирлар. ЛЖШлар ҳам расмий билдириш ва ҳам ёзма равишда хабардор қилинадилар.
 3. Компенсация жилди, таъсирга учраган томон ва унинг оила аъзоси эканини даъво қилаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, ернинг умумий майдони, зарарга учраган мол-мулкнинг инвентаризацияси ва уларнинг келажакдаги ҳолатини кузатиш учун маълумот Ер харид қилиш ва кўчириш комиссияси (ЕХҚК) томонидан тузилади ва у таъсирга учраган шахслар билан компенсация жараёнини муҳокама қилиш учун учрашувлар ўтказилади. Ушбу активлар тўғрисидаги хужжатларни Маҳалла вакиллари ва ЕХҚК аъзолари тасдиқлайдилар ва улар бунга кафилик берадилар. Мазкур жилдлардан вақт ўтиши билан ЛЖШларни келгусида кузатиш мақсадида фойдаланилади. Барча даъволар ва мулклар ёзма равишда хужжатланади.
 4. Компенсация тўловларининг барча турлари шахс ва алоқадор УХга аниқ равшан тушунтирилиши керак. Компенсация ва Контрактларни тузиш тўғрисида битим тегишли Кўчириш қўмиталари томонидан топширилган барча мулк ва ерлар, шунингдек танланган компенсация турлари (пул ва/ёки натура шаклда) кўрсатилган шартнома тузишни ўз ичига олади. Натура шаклда компенсация олишни танлаган шахс буюртма формасини имзолайди ва гувоҳ келтирилади. Компенсация шартномаси ва шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари таъсирга учраган томонга, ЕХҚК аъзолари ва маҳалла вакили иштирокида овоз чиқариб ўқилади.
 5. Компенсация тўловлари босқичида ер ва иморатлар каби мол-мулкни топшириш ва компенсация тўловлари зарар кўрган томон, ЕХҚК раиси ёки аъзолари ва Маҳалла вакили иштирокида амалга оширилади.

в) Ошкор қилиш

129. Кўчириш режасига оид хужжатлар, шу жумладан АМИМЧБМ, КРАМ, ҚКХР/КХР (агар мажбурий кўчириш ҳолати мавжуд бўлса), яшаш жойи/бизнес объектларни бошқа

жойга кўчириш тўғрисида ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар, маҳаллалар ва ҳокимиятлардаги афишалар орқали оммага эълон қилиниши КХРни амалга ошириш учун жуда муҳимдир.

130. 24-28 июн кунлари лойиҳа қамраб олинган 9 та маҳаллада бўлиб ўтган учрашувларнинг асосий мақсади ҚИРЛ билан боғлиқ Жаҳон банкининг ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий мазмунини тушунтириш учун маълумотларни тақдим этишдан иборат эди (1-илова).
131. Ушбу жамоатчилик маслаҳатлашувининг мақсадлари куйидагилардан иборат бўлган: жамоатчилик ва манфаатдор томонларга мақсадлари ва лойиҳанинг ишланмалари ҳамда кутилаётган экологик ва ижтимоий таъсирлар тўғрисида хабардор қилиш; лойиҳа таъсирига учраган аҳоли ва ёки ҳамжамиятлардан маълумот ва маълумотларни тўплаш; ва лойиҳани амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашда жамоатчилик ва маҳаллий жамоаларнинг иштирокини таъминлаш. Маслаҳатчилар албом оқими, ушбу лойиҳада мажбурий ва болалар меҳнати чекланиши ҳақида тушунтириш беришди. Маслаҳатлашув учрашувлари баённомалари 1-ИЛОВАда, иштирокчилар рўйхати 2-ИЛОВАда келтирилган.
132. Техник дизайнни тугатгандан сўнг, КХРни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёни шаффоф қилиш мақсадида реабилитация жараёни ва имтиёзлар асослари ҳақидаги маълумотларни тарқатиш учун барча манфаатдор томонлар билан жамоат жойларида учрашувлар ўтказилади. КРАМ, КХР ва хордиқ ва дам олиш сиёсатига оид бир нечта ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида жамоатчиликка таништирилиши керак. Жамоатчилик тасарруфида бўлган ҳужжатлар таркибига кириш Ҳақ-ҳуқуқлар матрицаси ва КХР (маҳаллий тилда қисқача маълумот) ва турли хордиқ имтиёзлари олишга ҳақли бўлган ЛЖШ рўйхати киради. Барча ҳужжатлар ИТВнинг ЛАОГида сақланади. Жаҳон банкининг ахборот сиёсатига мувофиқ, барча ижтимоий ҳимоя ҳужжатлари Жаҳон банкининг порталида мавжуд бўлади. ИТВ/ЛАОГ маълумотни аҳоли даражасида, шу жумладан аҳоли йиғини, учрашувлар ва муҳокамалар орқали ошкор қилиш ва тарқатиш учун жавобгардир.

г)Кўчириш режасининг асосий моделини янгилаш

133. Мазкур Кўчириш режасининг асосий модели амалдаги қонунлар ва процедураларга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритилганда ҳамда амалга ошириш тажрибаси ва олинган сабоқларга асосланиб янгиланади.

д)Ахборот бошқарув тизимлари (АБТ)

134. "2-компонент: Лойиҳани бошқариш, мониторинг ва баҳолаш ҳамда салоҳиятни оширишга" мувофиқ ушбу тадбирлар режалаштирилган: туман ҳокимияти ва МФЙ даражасида режалаштириш, назорат қилиш ва фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини бошқариш учун рақамли технологиялар ва бошқарув тизимини жорий этиш. ҚИРЛ нинг барча инвестицияларини кузатиш учун географик ахборот тизимига (GIS) асосланган маълумотлар базасини жорий этиш, МФЙлари ва туман ҳокимликлари томонидан фойдаланиш учун режалаштириш тизимининг кўчма тизими, инфратузилма камчиликлари индекслари ишлаб чиқиш ва хизмат кўрсатилишини таъминлаш, тажриба ҳудудларида хизматларни тақдим этишнинг баҳолаш хариталарини жорий этиш.
135. Ушбу компонент ЛАОГнинг тайёргарлик ишлари, бенефициарларнинг фикр-мулоҳазалари ва шикоятлар механизми, гео-ҳавола бошқарув ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва Интернет орқали амалга ошириш, шунингдек, дастлабки асослар, муҳим босқичлар ва натижаларни мониторингини қўллаб-қувватлайди.
136. Шундай ахборот бошқарув тизимларини (АБТ) яратиш тегишли шахсларга қарор қабул қилиш, лойиҳани мувофиқлаштириш, бошқариш, таҳлил қилиш ва визуализация қилиш учун зарур вақтда керакли маълумотларни тақдим этишни тақлиф қилади.

137. Жахон банки лойиҳасининг энг яхши амалиёти, АБТ ташкилотнинг барча даражаларидаги бошқарувчиларга қуйидаги фаолият турларида ёрдам беришдаги афзалликларини намоёиш этади:
- i. ўз фаолиятини қисқа ва узоқ муддатга режалаштириш;
 - ii. режа учун зарур бўлган вазифаларни тартибга солиш;
 - iii. белгиланган натижаларни режа билан таққослаш ва назорат қилиш ва тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;
 - iv. зарур тузатиш чораларини кўриш ёки тадбирларни қайта режалаштириш.
138. Бу каби қарорни қўллаб-қувватлаш тизими (ҚҚТ) дастурий таъминоти ЛАОГга КХРни режалаштириш ва амалга ошириш самарадорлигини оширишга (яъни, тартиблаштириш, устуворликни белгилаш ёки бир нечта вариантлардан танлаш орқали) ёрдам беради. ҚИРЛда анъанавий АБТ маршрути қўлланилиши мумкин, жумладан:
- Маълумотлар марказий ва маҳаллий даражаларда аниқ фаолият учун масъул ходимлар томонидан тўғридан-тўғри киритилади.
 - Вертикал буйруқлар занжиридаги юкори лавозимли ходимлари маълумотларнинг киритилиши устидан назоратни амалга оширадилар ва бунга жавобгардирлар.
 - Мутахассислар ўз ваколатлари доирасида АБТга кириш ҳуқуқига эга бўладилар.
 - Бўлинмаларнинг катта ходимлари молиявий бўлим ва харидлар бўлимига киришлари мумкин.
 - Лойиҳа фасилитаторлари ва МВБ мутахассиси АБТга ўзгартириш учун авторизациядан ўтмаган ҳолда ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.
139. Маълумотлар қайта ишланади ва турли хил ҳисоботларда жамланади. Лойиҳа кўрсаткичлари маълумотлар йиғиндиси ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

е)Мониторинг ва Баҳолаш

140. Ижтимоий таъсирлар бўйича кўрсаткичлар мониторинги (8-ИЛОВА) шу жумладан лойиҳаларни умумий қабул қилиш; компенсация/кўчириш жараёнининг муваффақияти/мақбуллиги; қурилишда вақтинча вайрон бўлган ҳудудларни тиклаш.
141. Мониторинг ва баҳолаш учун жавобгарлик ЛАОГ Ижтимоий ҳимоя бўлинмаси ва ИТВ ўртасида тақсимланган. ЛАОГ Ижтимоий ҳимоя бўлинмаси ШКЧМ ҳисобини юритиш, бошқариш ва ички мониторинг учун жавобгардир. Лойиҳанинг амалга оширилишини ташқи мониторинг ва баҳолашни мувофиқлаштириш учун ИТВ масъулдир. Мониторинг ва баҳолаш машғулоти сифатида ўтказилган уй хўжаликларининг сўрови орқали лойиҳанинг таъсири ва таъсири тўғрисида ЛЖШ вакилларининг фикрини олиш ўринли.

и)Ички ва ташқи мониторинг

142. Ушбу босқичда бирон бир консалтинг компанияси (КК) билан КХРнинг МБ параллел равишда амалга ошириш бўйича шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган. Одатдагидек, лойиҳага кадастр ва қурилиш муҳандислари жалб қилиниши керак, улар берилган ерларни баҳолайдилар ва мос уйлар, қурилатган уйларнинг сифати ва қайта тикланадиган/ кўчириладиган умумий мулкни баҳолайдилар.
143. Агар МБ КК ёлланадиган бўлса, бу ҳолатда КК КХРни амалга оширилишида жараёнлар ва иш фаолиятлар мониторинги ва текширилишини амалга оширади ва ҳар чоракда ҳисобот тақдим этади. КК, шунингдек, КХР мақсадларига эришилганлигини аниқлаш учун КХРни амалга ошириш тугаллангач, якуний баҳолашни ўз зиммасига олади. ККнинг вазифаси - офис тадқиқоти ва жойларга ташрифлар асосида камчиликларни аниқлаш, амалга ошириш жараёни ва натижаларни яхшилаш учун ИТВ томонидан йўналишни тўғралаб олиш учун ўз вақтида маълумот билан таъминлаш, салоҳиятни ошириш учун зарур чораларни тавсия қилиш ва ижрочи ходимлар ва қурилиш ишлари пудратчиси каби бошқа манфаатдор томонлар учун зарур тренингларни ўтказишдир. Мониторинг ва текширилиши керак бўлган асосий фаолиятлар:
- (а) қурилиш ишлари бошлангуча, ўз вақтида компенсация ва ёрдам пулини тўлаш;

- (b) лойиҳа ва тегишли компенсациялар тўғрисидаги ахборотни тарқатишда давом этадиган жараёнлар
- (c) ва муҳокамалар сифати;
- (d) Режа бўйича ЛЖШларни бошқа жойга кўчириш жараёни, агар кўчирилган бўлса;
- (e) алмаштириш нархини таъминлаш (иморатлар, уй кўчириш ва алмаштириш нархига нисбатан);
- (f) ҳожатхоналар, ибодатхоналар ва бошқалар каби барча умумий мулкларни бошқа жойга кўчириш.
- (g) тирикчиликни қўллаб-қувватлаш, реабилитацияга тайёргарлик бўйича чора-тадбирларини таъминлаш;
- (h) қурилиш ишлари давомида ЛЖШлар ва бошқа жамоа аъзоларига ишлаш имкониятини бериш;
- (i) қабул қилинган ва ҳал этилган шикоятлар.

ii) Таъсирни баҳолаш

144. Лойиҳанинг таъсирини баҳолаш икки марта - лойиҳанинг ўртасида ва яна ҚИРЛ якунида қўриб чиқилиши керак. КХР амалга оширилганидан кейин икки ой ичида таъсирни баҳолаш бўйича якуний машқлар ўтказилиши керак. Бунга КХР амалга оширилишини баҳолаш - фаолият, жараёнлар ва натижалар; ҳал қилинмаган муаммолар мавжудлигини аниқлаш ва натижаларни яхшилаш бўйича тавсиялар бериш киради. ИТБ давомида ишлаб чиқилган ва КХРга киритилган асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таъсирни баҳолаш учун ишлатилиши керак. Баҳолаш машқлари бошладан олдин ушбу кўрсаткичлар агентлик томонидан ИТВ/ЛАОГ билан келишилган ҳолда аниқлаш ва яхшилаш тавсия этилади.

ё) Қурилиш ишлари билан мувофиқлаштириш

145. Ер участкаси олиб қўйилиши ва кўчиришни амалга ошириш, қурилиш ишларини бошлаш ва харид вақти билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Талаб қилинаётган мувофиқлаштириш шартномавий оқибатларга эга ва харидлар ва тендер жадвали, шартномалар тузиш ва тозаланган участкаларни пудратчиларга бериш билан боғлиқ бўлади. Лойиҳа жамоаси таъсирга учраганларни қурилиш ишларини бошлашдан олдин ва компенсацияни олгандан кейин ўз мулкларини бошқа жойга кўчириш ёки ундан воз кечиш учун етарли даражада хабардор қилади, маслаҳат ва ёрдам беради. Тендер ҳужжатларида ишларни бошлаш вақтида ва кейинги босқичларда топширилиши керак бўлган бўш ётган ерларни кўлами келтирилади ва унга пудратчиларга ерни ўз вақтида берилишини таъминлаш ҳамда ерни сотиб олишни режалаштириш ва харидлар ва қурилиш ишлари жадвалига мувофиқ қайта жойлаштириш учун қатъий риюя қилинади.

146. Тендер иштирокчилари ўзларининг техник таклифларининг бир қисми сифатида қуйидагиларни тақдим этишлари шарт: Экологик ва ижтимоий бошқарув тизими (ЭИБТ) стратегияси ва амалга ошириш режаси; одоб-ахлоқ кодекси; ва аввлагги ЭИБТ бўйича фаолияти ҳақида баёнот. Қурилишни бошлашдан олдин пудратчи ЭИБТсини тузади ва қабул қилиниши учун ЛАОГга топширади. ЭИБТ пудратчининг лойиҳани ижтимоий ҳимояга оид ҳужжатларига қандай риюя қилиши тўғрисида батафсил тушунтиришни ўз ичига олади ва бу мақсад учун етарли маблағ ажратилганлигини кўрсатади. ЭИБТ қурилиш ишлари бошланишидан олдин тасдиқланиши лозим. Тасдиқланган ЭИБТ вақти-вақти билан (лекин камида ҳар олти (6) ойда) бир марта қўриб чиқилиб, зарур бўлганда, Пудратчи томонидан қурилиш ишлари бажарилиши учун мос бўлган чораларни ўз ичига олган ҳолда янгиланади.

8. ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ (ШКЧМ)

147. Жаҳон банки (ЖБ) томонидан қўллаб-қувватланаётган лойиҳа салбий таъсир кўрсатмоқда деб ҳисоблаган жамоалар ва шахслар шикоятларни лойиҳа миқёсида Шикоятларни кўриб чиқиш механизмларига ёки Жаҳон банкининг Шикоятларни кўриб чиқиш хизматига (ШКЧХ) шикоят аризаларини тақдим қилишлари мумкин. Лойиҳага хос ШКЧМ амалдаги мавжуд шикоятларни кўриб чиқиш механизми асосида ишлаб чиқилган. Шикоятлар қуйидагилардан норози бўлган жамоалар аъзоларидан келиб чиқиши мумкин:

- (a) ҳақлилиқ мезонлари;
- (b) жамоанинг режалаштириш тадбирлари;
- (c) амалга ошириш.

а) Ўзбекистонда мавжуд шикоятларни кўриб чиқиш механизми

148. Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро ўз шикоятларини киритиш учун бир нечта каналларга эга.

➤ Қишлоқ (маҳалла) даражасида:

- Маҳалла фуқаролар йиғини идорасида раис билан учрашиш орқали;
- Президентнинг Виртуал қабулхонасига кўнғироқ қилиш (телефон рақамлари 1000 ёки 0-800-210-00-00) ёки Президентнинг Виртуал қабулхонасига онлайн хабар юбориш (www.pm.gov.uz);
- Ҳар бир туман ёки вилоят ҳокимиятида ташкил этилган ишонч телефонларига кўнғироқ қилиш;
- Ёзма шикоят (хат) ни туман/вилоят ҳокими/тармоқ вазирлиги/ Президентга юбориш;
- Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича туман/ вилоят секторлари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш (ҳар бир туманда 4 та сектор);
- Қишлоқ жойларда фуқаролар билан доимий равишда учрашиб турадиган тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш.

Агар фуқаро Маҳалла раиси томонидан берилган жавобдан қониқмаса ёки тўлиқ жавоб олмаган бўлса, фуқаро юқори даражага, хусусан туман ҳокимиятига мурожаат қилиши мумкин.

➤ Туман даражаси:

- Туман ҳокимлиги ёки ҳоким ўринбосарлари билан учрашиш учун фуқароларни қабул қилиш кунлари ҳокимликка жисмоний ташриф;
- Ҳар бир ҳокимликда ташкил этилган ишонч телефонларига кўнғироқ қилиш;
- Президентнинг Виртуал қабулхонаси ҳузуридаги ва ҳар бир туманда ташкил этилган халқ қабулхоналарига жисмоний ташриф;
- Президентнинг Виртуал қабулхонасига кўнғироқ қилиш (телефон рақами 1000 ёки 0-800-210-00-00) ёки Интернет орқали Президентнинг Виртуал қабулхонасига хабар юборинг (www.pm.gov.uz);
- Ёзма шикоят (хат)ни туман ҳокими/тармоқ Вазирлиги/ Президентга юбориш;
- Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича туман/вилоят секторлари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш (ҳар бир туманда 4 та сектор ташкил этилган);
- Қишлоқ жойларда фуқаролар билан доимий равишда учрашиб турадиган тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш;

Агар фуқаро туман даражасида берилган жавобдан қониқмаса ёки тўлиқ жавоб олмаган бўлса, фуқаро юқори даражага, хусусан вилоят ҳокимиятига мурожаат қилиши мумкин.

➤ Вилоят даражасида:


- Вилоят ҳокими ёки ҳоким ўринбосарлари билан учрашиш учун фуқароларни қабул қилиш кунлари ҳокимликка жисмоний ташриф;
- Ҳар бир ҳокимликда ташкил этилган ишонч телефонларига кўнғироқ қилиш;
- Президентнинг Виртуал қабулхонаси ҳузуридаги ва бутун республика бўйлаб ташкил этилган халқ қабулхоналарига жисмоний ташриф;

- Президентнинг Виртуал қабулхонасига кўнғироқ қилиш (телефон рақами 1000 ёки 0-800-210-00-00) ёки Интернет орқали Президентнинг Виртуал қабулхонасига хабар юборинг (www.pm.gov.uz);
- Ёзма шикоят (хат)ни вилоят ҳокими/тармоқ вазирлиги/ Президентга юбориш;
- Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вилоят секторлари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш (ҳар бир туманда 4 та сектор);
- Қишлоқ жойларда фуқаролар билан доимий равишда учрашиб турадиган тармоқ вазирликлари ва идоралари раҳбарлари билан учрашувларда қатнашиш;

8.2 ШКҚМ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

149. Шикоятларни кўриб чиқиш кўмитаси (ШКҚ) кўчирилган шахсларнинг ташвишлари, шикоятлари ва шикоятларини қабул қилиш, баҳолаш ва ечимини топиш учун тўрт босқичда, бири Маҳалла, қолганлари эса туман, вилоят ва ЛАОГ миқёсида ташкил этилади. ШКҚ кўчган шахсларга давлат органига мурожаат қилишларидан олдин уларнинг шикоятларини ҳал қилиш имкониятини беради. ШКҚнинг мақсади лойиҳа билан боғлиқ муаммоларни ифодалаш ва ҳал қилишнинг ишончли усулини тақдим этиш ва жабрланувчининг муаммоларини унинг кучайишига йўл қўймаслик ҳамда лойиҳани амалга оширишда кечикишларга юзага келмаслиги учун уларни самарали ҳал қилиш.
150. ШКҚ лойиҳа билан боғлиқ ижтимоий ва экологик муаммоларни ифодалаш ва ҳал қилиш учун вақт билан чегараланган ва шаффоф механизмни яратишни мақсад қилади. ШКҚ ҳукумат томонидан белгиланган даъволарни кўриб қичиш ёки қонун талабларини риоя қилиш жараёнини четлаб ўтишга мўлжалланмаган, аксинча, кўчирилган одамларнинг муаммолари ва шикоятларини тезда ҳал қилиш, уларни кўчирилганларнинг барча қатламлари учун осонлик билан тақдим этиш учун ишлаб чиқилган ва лойиҳанинг хавф-хатарлари ва таъсирларнинг олдини олади.
151. Кўчириш режасининг асосий модели имтиёзлар бенефициарларга самарали равишда етказилишини ва тегишли равишда эълон қилинишини ва таъсирган учраган аҳоли билан очиқ муҳокама ўтказишни таъминлайдиган механизмга эга бўлади. ШКҚлар белгиланган вақт ичида тегишли шахсларнинг шикоятларини ҳал қилишлари назарда тутилган.
152. ШКҚ лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан нуқсонларни қоплаш муддати давомида, КХР фойдасига ишлашни давом эттиради. ШКҚ учун белгиланган жавоб қайтариш муддати уч ҳафтани ташкил қилади. Лойиҳанинг бутун кўчириш компоненти курилиш бошланишидан олдин тугалланиши керак, шунинг учун Маҳалла ва тумандаги ШКҚ ечими кутилаётган даъволарни ҳал қилиш учун камида уч ҳафтада бир марта йиғилади. Давлат томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган, мулк ҳуқуқи ва тенг тақсимлаш билан боғлиқ низолардан ташқари, ШКҚ барча кўчириш ҳақ-ҳуқуқлари, бошқа жойга олиб ўтиш ва ёрдам тўловларини ўз ичига олган шикоятларни кўриб чиқади.
153. Кўмакдош ҳамкорлар (НТ) жабрланувчиларга уларнинг шикоятларини рўйхатдан ўтказишда ёрдам беради ва уларнинг арзлари тингланади. Арз/шикоят 3 ҳафта ичида кўриб чиқилади ва аризачига ёзма равишда жавоб қайтарилади. Маҳалла / Туман / ЛАОГ миқёсида берилган шикоят тафсилотлари, кўриб чиқиш санаси, кўрилган чоралар ва мурожаат этувчига жавоб жўнатилган санаси қайд этилган шикоятлар регистри юритилади. Агар ариза берувчи жавоб билан қониқмаса, у давлат юрисдикция органига мурожаат қилиши мумкин. Шикоят қилувчи шахс исталган вақтда тегишли идорага мурожаат қилиши мумкин ва ШКҚ орқали мурожаат қилиши шарт эмас. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қуйидаги расмда кўрсатилган.

1-расм: Шикоятни кўриб чиқиш схемаси.



11-ЖАДВАЛ: Шикоятларни кўриб чиқиш механизми ва даражалари

Даража/Босқичлар	
1-босқич - жойлардаги маҳалла кўмитаси	<p>Жабрланган шахс бевосита маҳалла кўмитасига ёки пудратчининг офисига мурожаат қилади. Шикоятларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш учун ЛАОГ Жаҳон банкининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси маъсул бўлади ва ЛАОГ ЖБ ҳар ҳафта маҳалла кўмитаси ва иш олиб борувчи пудратчи офисларига келиб тушган шикоятлар тўғрисида маълумот йиғади. Агар муаммо ҳал этилмаса, аризачи ва/ёки МК уни кейинги босқичга - туман ҳокимияти бошқарувидаги туман микёсидаги лойиҳа учун махсус ШКҚга кўтаради.</p>
2-босқич Пудратчи офиси ва туман ҳокимиятлари	<p>Ҳокимликлар ҳам уларнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларга мувофиқ шикоятларни қабул қилиш муқобил пункти бўлади: (i) тегишли туман (шаҳар) ҳокимиятлари турар жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар, иншоотлар ва экинлар эгаларини қабул қилинган қарор ҳақида бузишдан олти ой олдин ёзма равишда имзо қўйдириб хабардор қилишлари шарт; (ii) одатда қурилиш ва ер ажратиш бўйича муаммолар/шикоятлар учун ҳокимнинг саноат, капитал қурилиш коммуникациялари ва коммунал-маиший масалалар бўйича ^{биринчи} ўринбосари жавобгардир.</p> <p>Келиб тушган шикоятлар рўйхатга олингандан сўнг, ЛАОГ ЖБнинг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси шикоятнинг табиати/хусусиятларини кўриб чиқади ва уни ҳал қилиш учун тегишли томонга юборади. Шу билан бир қаторда, туман ҳокимликлари вакиллари Тошкент шаҳридаги ЛАОГга келиб тушган шикоят ва уни ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида маълумот беришади. Шикоятнинг хусусиятига қараб у Пудратчи, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига (ЕРДКБ), Маҳалла ёки Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг туман бўлимига юборилиши мумкин. Ушбу босқичда шикоят 2 ҳафта ичида ҳал қилиниши керак. Ҳал этилмаса, масалани 3-босқичга кўтариш мумкин.</p>
3-босқич	<p>Вилоят ҳокимияти. ЎХ томонидан тузилган Вилоят мувофиқлаштириш кўмитаси масалани ўрғанади. Аксарият масалалар ушбу босқичда ҳал қилиниши назарда тутилмоқда.</p>
Энг юқори даража - ЖБ ЛАОГнинг Тошкентдаги бош қароргоҳи	<p>Агар шикоятлар биринчи босқичда ҳал этилмаса ёки аризачи қабул қилинган қарор/ечимдан қониқмаса, у шикоятни тўғридан-тўғри Тошкентдаги ЖБ ЛАОГ котибиятига киритиши мумкин. ЖБ ЛАОГ котибияти шикоятларни белгиланган тартибга кўра кўриб чиқади ва шикоятларни ҳал этилиши юзасидан қарор қабул қилиниши учун тегишли бўлимга юборади. Агар шикоят тўғридан-тўғри лойиҳа билан боғлиқ бўлмаса, аризачига қарор қабул қилиниши учун мурожаат қилиши керак бўлган кейинги инстанция тавсия қилинади.</p> <p>Агар шикоятни ҳал қилиш учун кўпроқ вақт ва ресурслар талаб қилинса, ЖБ ЛАОГ шикоятларни кўриб чиқиш бўйича гуруҳ тузиши ва унинг таркибига, масалан, ЖБ ЛАОГ котибияти, туман ҳокимияти вакиллари, ЕРДКБ ва маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фермерлар кенгашлари ёки/ва аёллар уюшмаси кириши мумкин. Барча шикоятлар шикоят олинган кундан бошлаб 15 кун ичида ҳал қилинади, агар қўшимча маълумотлар талаб қилинса, шикоятчини олдиндан хабардор қилиш орқали шикоят кўпи билан 30 кунда ҳал қилинади ва ёпилади.</p>
Суд	<p>Агар муаммо ҳал қилинмаган бўлса ёки аризачи ечим/қарордан қониқмаса, шикоятчи шахс Хўжалик судига ўз шикоятини киритиши мумкин</p>

Даража/Босқичлар	
	<p>ва бу ерда тегишли миллий қонунчиликка мувофиқ қарор қабул қилинадиган. Бироқ ЛЖШлар шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида ҳам ШКЧМдан мустақил равишда судга мурожаат қилишлари мумкин ва шикоят қилиш механизми мамлакатнинг суд ёки маъмурий ҳимоя воситаларини қўллашга тўсқинлик қилмаслиги керак.</p>

154. Жорий лойиҳанинг ШКЧМ миллий қонунчиликни, лойиҳа жойининг ўзига хослигини ва жамоа муҳокамалари натижаларини ҳисобга олади.

